



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ 2025



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ 2025

Тошкент 2026

МУНДАРИЖА

МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ.....	4
2025 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	5
2025 ЙИЛ РАҚАМЛАРДА	6
Резюме	7
I. МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР	9
II. НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ.....	12
Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади ва тамойиллари	12
Нархлар барқарорлиги: инфляция ва кутилмалар	13
Пул-кредит шароитлари, инструментлари ва операцион механизми	15
III. ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА ХАЛҚАРО ЗАХИРАЛАР	19
Валюта бозори ва валюта операциялари	19
Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе.....	22
Халқаро захираларни бошқариш	26
IV. МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИҚ, ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ.....	30
Банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.....	30
Нобанк кредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари	34
Пруденциал чора-тадбирлар	37
Макропруденциал чора-тадбирлар	38
Тартибга солиш ва назорат	41
V. ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	48
Марказий банкнинг тўлов тизимлари.....	48
Молиявий технологиялар ва тўлов ташкилотлари фаолияти.....	50
VI. ТАДҚИҚОТЛАР, ТАҲЛИЛ ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ БОШҚАРИШ.....	53
Марказий банкда таҳлил ва тадқиқотлар	53
Маълумотларни бошқариш ва улар билан ишлаш.....	55
VII. КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК	61
Марказий банкнинг коммуникацион сиёсати.....	61
Халқаро ҳамкорлик.....	64
VIII. МОЛИЯВИЙ ИНКЛЮЗИЯ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ	66
Молиявий хизматлар оммабоплиги ва аҳолининг молиявий саводхонлигини	
ошириш	66
Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	71
Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш.....	73
Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш	75

IX. ПУЛ МУОМАЛАСИ	78
Нақд пул айланмаси ва муомаладиги пуллар.....	78
X. ИНСОН РЕСУРСЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	82
XI. МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК, ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ	85
Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш	85
Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш ...	87
Комплаенс-назорат	89
Ички аудит.....	90

МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ

Ҳурматли ўқувчи!

2025 йил Ўзбекистон иқтисодиётида нафақат макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, балки таркибий ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш йили бўлди. Глобал иқтисодий ноаниқликларга қарамай, пул-кредит сиёсати ва молия тизимидаги ислохотлар иқтисодий ўсишнинг мустаҳкам пойдеворини таъминлашга қаратилди.

Марказий банкнинг асосий мақсади — нархлар барқарорлигини таъминлаш борасида 2025 йил давомида инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари доирасида шаклланиши таъминланди. Пул-кредит шароитларининг қатъийлиги ҳамда инструментлардан фойдаланиш ҳисобига инфляциянинг монетар омилларини ва инфляцион кутилмаларни жиловлаш бўйича ижобий натижалар қайд этилди.

Халқаро захиралар ҳажми ва таркиби мамлакатимизнинг ташқи мажбуриятларини тўлиқ бажариш ҳамда валюта бозоридаги хатарларни юмшатиш мақсадида халқаро белгиланган меъёрлардан юқори даражада шакллантириб келинмоқда.

Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқедаги ижобий динамика мамлакатимиз суверен кредит рейтингининг яхшиланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Валюта бозорида эркин сузувчи алмашув курси тамойилига амал қилиниши ва бозор механизмларининг устуворлиги таъминланмоқда.

Молиявий секторни ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлашда асосий эътибор қуйидаги икки устувор йўналишга, биринчидан, банк тизими барқарорлик кўрсаткичларини халқаро андозаларга, жумладан Базель III талабларига мувофиқлаштиришга, иккинчидан, замонавий ва инновацион ечимларни жорий этиш орқали соҳада самарадорликни ошириш ва молиявий инклюзияни кенгайтиришга қаратилди.

Тўлов тизимининг барқарорлиги ва узлуксиз фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш учун тўлов инфратузилмасини ривожлантириш, янги рақамли ечимларни жорий этиш ва киберхавфсизлик даражасини оширишга қаратилган чоралар кўрилди.

Умуман олганда, келгуси йилларда ҳам Марказий банк фаолиятининг стратегик устувор йўналишлари инфляция бўйича ўрта муддатда 5 фоизлик мақсадли кўрсаткичга эришиш, молиявий барқарорликни ҳамда тўлов тизимлари узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек молия сектори, пул ва валюта бозорларини ривожлантиришни ва молиявий инклюзияни оширишни қамраб олади.

Марказий банк фаолиятида очиқлик тамойили ҳамиша устувор аҳамият касб этади.

Тимур Ишметов

Марказий банк раиси

2025 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Йиллик инфляция 7,3% -2,5 фоиз банд	Базавий инфляция 5,7% -1,6 фоиз банд	Аҳолининг инфляцион кутилмалари 11,5% -2,9 фоиз банд	Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари 11,1% -1,8 фоиз банд	Инфляция бўйича мақсадли кўрсаткич (target) 5%
		UZONIA (ўртача йиллик) 13,1%	Миллий валютадаги депозит фоиз ставкаси (ўртача йиллик) 19,3% -0,2 фоиз банд	
Асосий ставка 14%		Пул бозоридаги операциялар 783 трлн сўм +1,5 баробар	Миллий валютадаги кредит фоиз ставкаси (ўртача йиллик) 23,0% -0,2 фоиз банд	
Банкларнинг активлари 925 трлн сўм +20 фоиз	Ажратилган кредитлар 390 трлн сўм +36 фоиз	Микро, кичик ва ўрта бизнес учун кредитлар 131 трлн сўм +42 фоиз		
Иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи 653 трлн сўм +15 фоиз		Миллий валютадаги депозитлар қолдиғи 330 трлн сўм +43 фоиз		
Капитал монандлиги 18,3% минимал талаб 13 фоиз	Муаммоли кредитлар 3% 2024 йилда 4 фоиз	Депозитлар долларизацияси 21% -4 фоиз банд	Кредитлар долларизацияси 38% -3,5 фоиз банд	
Халқаро захиралар 66,3 млрд доллар +61 фоиз	Ўзбекистоннинг соф халқаро инвестициявий мавқеи 19,1 млрд доллар 2 баробарга ёки 9,6 млрд долларга мустақамланди	Сўм АҚШ долларига нисбатан 6,9 фоизга мустақамланди		
Жорий операциялар ҳисоби ЯИМга нисбатан -3,9% 2024 йилда -4,7 фоиз	Валюта бозорида чет эл валютаси таклифи 53 млрд доллар +36 фоиз			

2025 ЙИЛ РАҚАМЛАРДА

<p>Банклар</p> <p>36 та</p>	<p>Нобанк кредит ташкилотлари</p> <p>233 та</p> <p>+40 та</p>	<p>Тўлов ташкилотлари</p> <p>47 та</p> <p>+3 та</p>	
<p>Банк хизматлари кўрсатиш офислари (мини-банклар)</p> <p>1 729 та</p> <p>+9 та</p>	<p>Валюта айирбошлаш шохобчалари</p> <p>7 047 та</p> <p>+835 та</p>	<p>Банкомат ва инфокиосklar</p> <p>40 090 та</p> <p>+10 181 та</p>	<p>Кредит бюrolари</p> <p>3 та</p>
<p>Банк карталари</p> <p>68 млн та</p> <p>+6,3 млн та</p>	<p>QR-кодлар</p> <p>139 минг дона</p> <p>+1,3 баробар</p>	<p>Электрон ҳамёнлар</p> <p>25 млн та</p> <p>+20 фоиз</p>	<p>Мобил иловалар орқали амалга оширилган транзакциялар</p> <p>646 трлн сўм</p> <p>+1,6 баробар</p>
<p>Марказий банк ахборот каналлари доимий фойдаланувчилари сони</p> <p>2 млн нафар</p> <p>+15 фоиз</p>	<p>Жалб қилинган халқаро техник кўмаklar</p> <p>18 та</p>	<p>2019–2025 йилларда жами</p> <p>144 нафар талаба</p> <p>Марказий банк стипендияси соҳиби бўлди</p> <p>56 нафари</p> <p>ишга қабул қилинди</p>	
<p>Амалга оширилган тадқиқотлар</p> <p>20 та</p>	<p>Ходимларнинг умумий ўқув соатлари</p> <p>11 556</p>		
<p>Муамоладаги нақд пуллар</p> <p>68,5 трлн сўм</p>	<p>Банк карталарига тушган маблағларни нақдлаштириш даражаси</p> <p>18,7%</p> <p>2024 йилда 21,8 фоиз</p>	<p>“24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари</p> <p>5 615 та</p> <p>+1 168 та</p>	<p>Тўлов терминаллари</p> <p>431 минг та</p> <p>+4 537 та</p>

Резюме

Марказий банкнинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ЎРҚ-582-сонли Қонунининг 8 ва 15-моддаларига мувофиқ тайёрланди. Йиллик ҳисоботда макроиқтисодий шарт-шароитлар ҳамда Марказий банк фаолиятининг асосий йўналишларига оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Ҳисобот йилида жаҳон иқтисодиётида ноаниқликлар сақланиб қолаётган шароитда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини намоён этди. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, қулай ташқи иқтисодий конъюнктура ҳамда инвестицион фаолликнинг ошиши ҳисобига 2025 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми реал ҳисобда 7,7 фоизга ўсди.

Нархлар барқарорлиги ва пул-кредит сиёсати

Пул-кредит сиёсати инфляцион таргетлаш режими доирасида амалга оширилиб, асосий эътибор инфляциянинг ўрта муддатли 5 фоизлик мақсадли кўрсаткичига эришишга қаратилди.

2025 йил давомида инфляцион жараёнларда секинлашиш тенденцияси давом этиб, иқтисодиётда нархлар динамикаси босқичма-босқич барқарорлаша бошлади. Йил якунига кўра инфляция 7,3 фоизни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 2,5 фоиз бандга пасайди. Базавий инфляция эса 5,7 фоизгача секинлашди.

Мавжуд инфляцион хатарларнинг олдини олиш мақсадида 2025 йил март ойида Марказий банкнинг асосий ставкаси 14 фоизгача оширилиб, йил давомида ушбу даражада сақлаб қолинди.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш мақсадида очиқ бозор операциялари кенгайтирилиб, Марказий банкнинг 7 кунлик облигациялари жорий этилди ҳамда РЕПО операциялари фаоллаштирилди.

Валюта бозори ва халқаро захиралар

Валюта бозорида чет эл валютаси таклифининг ошиши фонида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси 6,9 фоизга мустақамланди.

Валюта курси шаклланишида бозор механизмларининг роли ва ўрни янада кучайтирилиб, валюта бозорининг ташқи ва ички шокларга мослашувчанлиги ортиб бормоқда.

Хусусан, маркет-мейкерлар сонининг кўпайиши ва валюта бозоридаги операциялар ҳажмининг ўсиши натижасида курснинг икки томонлама тебранувчанлиги ортди.

Шунингдек, тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3,9 фоизгача қисқарди (2024 йилда — 4,7%).

Олтин активлари қийматининг ўсиши фонида халқаро захиралар ҳажми 66,3 млрд долларга етди (+61%).

Молиявий барқарорлик

Иқтисодийга кредит қўйилмалари 653 трлн сўмга етди (+15%), капитал монандлиги 18,3 фоизни ташкил этиб, белгиланган минимал меъёрлар талабларидан юқори даражада сақланди. Муаммоли кредитлар улуши 3 фоизгача пасайди, депозитлар долларлашуви даражаси эса 21 фоизгача камайди.

Нобанк молия ташкилотлари секторида ҳам фаол ўсиш кузатилди — ажратилган кредитлар ҳажми 31,8 трлн сўмга етди (*ўсиш — 2 баробар*).

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан пруденциал ва макропруденциал тартибга солиш механизмлари янада такомиллаштирилди. Базель III стандартларини жорий этиш, аҳолининг қарз юкини чеклашга қаратилган меъёрларни белгилаш, таваккалчиликка асосланган банк назоратини ривожлантириш давом эттирилди.

Шунингдек, ислом молияси қонунчилик базасини ривожлантириш ва насия хизматларини тартибга солиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Тўлов тизимлари ва молиявий технологияларни ривожлантириш

Ҳисобот йилида, банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 1,6 баробарга ошиб, 11 375 трлн сўмни ташкил этди. Мобил банк иловалари орқали операциялар ҳажми эса 646 трлн сўмга етди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар инфратузилмасини кенгайтириш доирасида QR-тўловлар, электрон ҳамёнлар ва масофавий банк хизматларини ривожлантириш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида киберхавфсизликни таъминлаш ва молиявий фирибгарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кучайтирилди.

Молиявий инклюзия ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 131,2 трлн сўм кредит ажратилди. Шунингдек, 3,46 млн нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Марказий банк молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам амалга оширди. Жумладан, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш механизмлари такомиллаштирилди, банк маҳсулотлари шаффофлиги оширилди ҳамда молия ташкилотлари томонидан ахборотни ошкор этиш талаблари кучайтирилди.

Институционал салоҳиятни ривожлантириш

Марказий банкда Тадқиқот кенгаши ташкил этилиб, Тадқиқот майдони концепцияси ишлаб чиқилди.

Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклардан 18 та техник кўмак жалб қилинди.

Йил давомида 20 та тадқиқот амалга оширилди.

Ходимларнинг малакасини ошириш ва профессионал кўникмаларини ривожлантириш мақсадида йил давомида ходимлар учун жами 11,5 минг соатлик ўқув тадбирлари ташкил этилди.

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР

Ташқи иқтисодий шароитлар

2025 йилда глобал иқтисодий шароитлар юқори даражадаги ноаниқликлар билан тавсифланди (1.1-расм). Савдо билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблашуви, импорт божларининг оширилиши ҳамда геосиёсий зиддиятлар жаҳон иқтисодиёти ва инвестиция фаоллигига босим кўрсатди.

Шу билан бирга, йилнинг иккинчи ярмида вазият босқичма-босқич барқарорлашди. Айрим давлатлар ўртасидаги кескинликларнинг юмшаши, технологиялар ва сунъий интеллект соҳасига инвестицияларнинг кўпайиши, шунингдек, фискал қўллаб-қувватлаш чоралари глобал иқтисодий ўсишни рағбатлантирди.

2025 йил давомида жаҳонда молиявий шароитлар босқичма-босқич юмшашда давом этди. Жумладан, ривожланган

мамлакатлар марказий банклари инфляция даражасининг пасайиши фонида фоиз ставкаларини эҳтиёткорлик билан пасайтиришни бошлади (1.2-расм). Бироқ инфляция кўплаб мамлакатларда ҳали ҳам мақсадли кўрсаткичлардан юқори даражада сақланиб қолмоқда.


Ноаниқликлар инвесторларнинг хавфсиз активларга бўлган талабини кучайтирди. Натижада олтин, кумуш ва бошқа металллар нархлари сезиларли даражада ошди (1.3-расм).

Ушбу омиллар Ўзбекистон учун нисбатан қулай ташқи иқтисодий муҳитни шакллантирди. Жаҳон бозорида хомашё нархларининг юқорилиги ва ташқи молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши экспорт, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда капитал оқимининг ўсишига хизмат қилди.

1.1-расм. Ноаниқлик индекслари, банд



1.2-расм. Ривожланган мамлакатлар асосий ставкалари, фоизда



Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари турлича бўлди. Россия ва Хитойда ўсиш бироз секинлашган бўлса, Қозоғистон ва Туркияда иқтисодий фаоллик тезлашди. Аксарият ҳамкор давлатларда инфляция даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилди.

Шунингдек, АҚШ долларининг нисбатан қадрсизланиши фонида қатор мамлакатлар валюталари мустаҳкамланди (1.4-расм). Бу эса пул ўтказмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ички иқтисодий шароитлар

2025 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий фаоллик юқори даражада сақланиб қолди ва йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди (1.5-расм).

Ҳисобот даврида иқтисодий фаолликнинг тезлашиши амалга оширилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадларининг ўсиши (реал ҳисобда 9,2%), шунингдек, қулай ташқи иқтисодий муҳит таъсири билан изоҳланади.


Таклиф томонидан фаолликнинг жадаллашуви асосан хизматлар соҳаси ва қурилиш тармоғининг кенгайиши ҳисобига таъминланди.

2025 йилда хизматлар соҳасининг ўсиш суръати 14,7 фоизни ташкил этди. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари молиявий хизматлар (24,6%), ахборот-коммуникация хизматлари (22,7%), шунингдек, яшаш ва овқатланиш (10,4%) соҳаларида қайд этилди.

Молиявий хизматлар кенгайиши молиявий технологиялар, онлайн-банкнинг ва рақамли тўлов воситаларининг фаол ривожланиши, янги молиявий маҳсулотларнинг жорий этилиши ҳамда аҳоли ва бизнес томонидан уларга бўлган талабнинг ошиши билан изоҳланади.


Ахборот-коммуникация хизматларининг ўсиши эса АТ секторнинг кенгайиши, шу билан бирга унинг молия, савдо ва логистика каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолиятига чуқур интеграциялашуви билан боғлиқ.

1.3-расм. **Металлларнинг жаҳон бозоридаги нархлари динамикаси, фоизда, 2023 йил январь ойи = 100%**



Манба: Жаҳон банки

1.4-расм. **Асосий савдо ҳамкорларнинг валюта курслари динамикаси, фоизда, йиллик ўзгариши**



Манба: тегишли марказий банклар

Умумий овқатланиш соҳасидаги динамика аҳолининг реал даромадлари ошиши ва истеъмолнинг хизматлар томон силжиши билан боғлиқ.

2025 йилда қурилиш ишлари ҳажми 14,2 фоизга ошди. Ўсиш давлат ва хусусий сектор томонидан инфратузилма лойиҳаларини амалга оширилиши, хусусий инвестицияларнинг кенгайиши, уй-жой қурилишининг фаоллашуви, шунингдек, ишлаб чиқариш, саноат ва логистика объектларининг ривожланиши ҳисобига таъминланди. Бундан ташқари, кўчмас мулк бозорида ўтган йил давомида амалга оширилган битимлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши (15,1%) қурилиш соҳасида иқтисодий фаолликнинг юқори суръатларда сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.


Талаб томонидан иқтисодий фаоллик барқарор ички истеъмол, инвестицион фаоллик, шунингдек, экспорт учун қулай ташқи конъюнктура ҳисобига қўллаб-қувватланди.

Маълум секинлашувга қарамасдан, инвестициялар ўсиши юқори суръатларда сақланиб қолди. Асосий оқим тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек, жаҳон молия бозорларида молиявий шароитларнинг босқичма-босқич юмшаши фонида жалб этилган кредитлар ва қарз маблағлари ҳисобига таъминланди.


Ички инвестициялар эса асосан давлат инвестициялари ҳамда аҳолининг уй-жой қурилишига йўналтирилган маблағлари ҳисобидан шакллантирилди.

Иқтисодий фаолликнинг тезлашиши меҳнат бозорида ҳам ўз аксини топди. Ишчи кучига бўлган талаб ва бўш иш ўринлари сони ошди. Номинал иш ҳақи юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолди, инфляциянинг секинлашиши эса реал иш ҳақининг кўпайишига хизмат қилди.

1.5-расм. Ишлаб чиқариш усули бўйича ЯИМ ўсиши декомпозицияси, фоиз бандда



1.6-расм. Давлат бюджет харажатлари динамикаси, фоизда



II. НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади ва тамойиллари

Марказий банк пул-кредит сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 151-моддасига асосан ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Бунда, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга кўра, пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

2020 йилда Марказий банкнинг инфляция бўйича доимий мақсади (таргети) 5 фоиз этиб белгилаган.

Инфляцион таргетлаш режимда қўйидаги тамойилларга амал қилинади:

1. Инфляция бўйича таргет белгиланади ва барча пул-кредит сиёсати чоралари ушбу таргетга эришишга қаратилади. Инфляциянинг ўрта муддатли даражаси 5 фоиз этиб белгиланди ва кенг жамоатчиликка эълон қилинди. Марказий банк фаолиятида инфляциянинг таргет кўрсаткичига эришиш вазифаси бошқа вазифалардан устун ҳисобланади.

2. Марказий банкнинг асосий ставкаси пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти ҳисобланади. Асосий ставка иқтисодиётдаги фоиз ставкалари динамикасига ва бу орқали ички талабга таъсир кўрсатади. Ички талабни мувозанатлаштириш орқали инфляцион таргетга эришилади.

3. Пул-кредит сиёсати операциялари механизми мустақил равишда ишлаб чиқилади ва такомиллаштириб борилади. Марказий банк томонидан инфляция таргетига эришишда пул-кредит сиёсати инструментлари ва ёндашувларини энг илғор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилади. Бунда фоиз ставкаларини бошқариш, очиқ бозор операцияларини амалга ошириш, мажбурий захиралар меъёрларини ўзгартириш ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб бошқа чоралар кўриб борилади. Пул-кредит сиёсатига оид қарорлар кенг қамровли макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларга асосланади.

4. Марказий банк валюта сиёсатини эркин сузувчи валюта курси режимда амалга оширади. Сўм алмашув курси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида шаклланади. Марказий банк нейтраллик тамойилига амал қилиб, валюта интервенциялари ва монетар инструментларни қўллаган ҳолда сотиб олинган олтин бўйича тўловларни стерилизация қилиб боради. Сўм алмашув курси бўйича ҳеч қандай мақсад белгиланмайди.

5. Пул-кредит сиёсати очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Қабул қилинаётган қарорларнинг кенг жамоатчиликка ўз вақтида ва тушунарли тарзда етказилиши инфляцион кутилмалар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади ҳамда Марказий банк сиёсатига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нархлар барқарорлиги: инфляция ва кутилмалар

2025 йилда инфляция даражаси 9,8 фоиздан 7,3 фоизгача пасайди.


2025 йилнинг май ойида 2024 йилги энергия ресурслари нархлари эркинлаштирилишининг юқори база эффекти тугаши натижасида умумий инфляция сезиларли даражада пасайди. Бироқ, навбатдаги нархлар оширилишининг иккиламчи таъсирлари умумий инфляциянинг барқарор пасайишини чекловчи омиллардан бўлди. Ҳисобот йилида, энергия ресурслари нархлари оширилишининг бирламчи таъсирсиз инфляция даражаси 6,1 фоиз доирасида шаклланди.

Шунингдек, биринчи ярим йилликда энергия нархлари оширилиши ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг (ИЧНИ) ўсишига сабаб бўлганига қарамасдан, иккинчи ярим йилликда сезиларли пасайиш кузатилиб, кўрсаткич йил якуни бўйича 10,0 фоизни ташкил этди. ЯИМ дефлятори эса бироз секинроқ суръатда пасайиб, йил якунида 11,9 фоизга тенг бўлди (2.1-расм).


2025 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи умумий инфляцияга оширувчи таъсирга эга бўлиб, ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари ошиши январь ойидаги 2,6 фоиздан декабрда 5,5 фоизга етди (2.2-расм).

2025 йилда ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи инфляцияси барқарор даражада пасайиб, декабрда 5,1 фоизни ташкил этди. Бунга, айниқса, дори воситалари гуруҳи инфляциясининг сезиларли пасайиши таъсир кўрсатди.

2.1-расм. Инфляция кўрсаткичлари динамикаси, фоизда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



2.2-расм. ИНИ асосий таркибий қисмлари инфляцияси динамикаси, фоизда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



Миллий валюта курсининг йил давомида мустаҳкамланиши импорт қилинадиган истеъмол товарлари нархларини нисбатан мувозанатлаштиради. Бу, ўз навбатида, ноозиқ-овқатлар инфляциясига пасайтирувчи таъсир кўрсатади. Бироқ, автомобиллар учун ёнилғи нархлари йил давомида юқори даражада сақланиб, декабрь ойида 18,2 фоизлик йиллик ўсишни қайд этди.

Хизматлар инфляцияси умумий инфляциянинг пасайишида муҳим аҳамият касб этиб, январь ойидаги 27,0 фоиздан декабрда 13,9 фоизгача пасайди. Бу асосан, 2024 йилги энергия ресурслари тарифлари оширилишининг бирламчи таъсири чиқиб кетиши билан боғлиқдир. Хусусан, коммунал хизматлар инфляцияси январь ойидаги 66,6 фоиздан декабрь ойида 26,0 фоизгача пасайди. Шунга қарамай, хизматлар инфляцияси йил давомида умумий инфляциядан юқори даражада сақланиб қолганлиги ушбу соҳада талаб томондан босимлар сақланаётганини кўрсатади.


Базавий инфляция

Базавий инфляция 2025 йилда 7,3 фоиздан 5,7 фоизгача пасайиб, иқтисодиётда нархлар шаклланиши барқарорлашаётганига ишора берди.

Йилнинг биринчи ярмида базавий инфляцияга унинг таркибий гуруҳлари, жумладан, озиқ-овқатлар ва хизматлар базавий инфляциясининг ўсувчи динамикада шаклланиши оширувчи таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи ярим йилликда барча компонентларнинг пасайиш траекториясига ўтиши йил якунида базавий инфляциянинг пасайишини таъминлади.

Хизматлар базавий инфляциясининг бошқа гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада секин пасайишини, асосан, энергия ресурслари таъминотидаги ўзгаришларнинг ишлаб чиқариш ва логистика харажатларига иккиламчи таъсирлари ҳамда умумий овқатланиш соҳасида сақланиб қолаётган юқори инфляцион муҳит билан изоҳлаш мумкин (2.3-расм).

2.3-расм. Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикаси, фоизда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан



2.4-расм. Аҳоли ва тадбиркорларнинг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмалари, фоизда



Инфляцион кутилмалар

2025 йил давомида аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари умумий инфляциянинг пасайишига мос равишда пасаявчи трендни намоён этди.

Хусусан, аҳолининг келгуси 12 ойлик кутилмалари йил бошидаги 14,4 фоиздан йил якунида 11,5 фоизгача, тадбиркорларнинг кутилмалари эса 12,9 фоиздан 11,1 фоизгача пасайди.

Инфляцион кутилмаларни шакллантирувчи омиллар таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, биринчи ярим йилликда валюта курси бўйича юқори кутилмалар шакланган бўлса, иккинчи ярим йилликда сўмнинг мустаҳкамланиши натижасида улар яхшиланди. Бироқ энергия ресурслари тарифлари ошиши бўйича хавотирлар сақланиб, унинг иккиламчи таъсири транспорт-логистика харажатлари бўйича кутилмаларда ҳам намоён бўлди (2.4-расм).


Пул-кредит шароитлари, инструментлари ва операцион механизми

2025 йилда пул-кредит сиёсати иқтисодиётда инфляцияга ялпи талаб томондан бўлган босимларни юмшатиш ва реал фоиз ставкаларини мақбул даражада сақланиши орқали инфляциянинг ўрта муддатли таргет кўрсаткичига эришилишини таъминлаш мақсадларига йўналтирилди.


2025 йил март ойида асосий ставка 0,5 фоиз бандга оширилиб 14 фоиз этиб белгиланди ва йил давомида шу даражада сақланди (2.5-расм).

Марказий банк асосий ставкаси ушбу даражасини йил давомида ўзгаришсиз сақланиб қолиниши, шунингдек апрель ойдан инфляциянинг пасайиб борувчи тенденцияга ўтиши пул бозоридаги реал фоиз ставкаларининг 2,4–6,6 фоиз оралиғида шаклланишига ва иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари таъминланишига хизмат қилди (2.6-расм).

2.5-расм. Марказий банк асосий ставкаси динамикаси, фоизда



2.6-расм. Банклараро пул бозори фоиз ставкалари, фоизда



2025 йилда пул бозорида ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси 13,3 фоизни ташкил этди ҳамда давр мобайнида тўлиқ фоиз коридорида шаклланди.

Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари 2025 йил январь-июнь ойларида ўртача 21,8 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойига келиб, 20,6 фоизгача пасайди.

Иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари таъминланиши ва пул бозоридаги фоиз ставкаларнинг ижобий реал даражада сақланиб қолиши натижасида, 2025 йилнинг декабрида аҳоли депозитларининг фоиз ставкаси уларнинг инфляцион кўтилмаларига нисбатан 9,1 фоизлик реал даражада шаклланди (2.7-расм).


Ушбу ижобий реал фоиз ставкалари миллий валютадаги депозитлар ҳажмининг сезиларли даражада ўсиб боришига хизмат қилди. Хусусан,

2025 йил давомида аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитлари мос равишда 48 фоиз ҳамда 70 фоизга ошди.

Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси йил якунида 23,6 фоиз доирасида шаклланиб, 2024 йилга нисбатан 0,9 фоиз бандга пасайди. Корпоратив кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси эса йил давомида нисбатан барқарор шаклланиб, декабрь ойида ўртача 23 фоизни ташкил этди (2.8-расм).

2025 йилда банк тизимида тизимли ликвидлик профицитининг тобора ортиб бориши фонида Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларига бўлган талаби ошиб борди. Жумладан, 2025 йил январь ойида ликвидлик жалб этиш операцияларининг кунлик ўртача қолдиғи 16,2 трлн сўмни ташкил қилган бўлса, декабрь ойига келиб ушбу кўрсаткич 39,3 трлн сўмга етди.

2.7-расм. Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари, *фоизда*



2.8-расм. Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари, *фоизда*



2025 йилда Марказий банкнинг ликвидликни тақдим этиш операцияларига (РЕПО аукцион, РЕПО овернайт, валюта овернайт кредити) тижорат банклари томонидан бўлган талаб нисбатан сўст шаклланиб, ушбу операциялар кунлик ўртача 330 млрд сўмни ташкил этди.

Банк тизими умумий ликвидлиги ҳолатидан келиб чиқиб, пул бозорида ортиқча ликвидлик мавжудлиги кузатилган ҳолларда Марказий банк облигацияларининг қўшимча эмиссияси амалга оширилди.

Банк тизими ликвидлиги ҳажмининг ортиши шароитида ушбу ликвидликнинг пул бозоридаги фоиз ставкаларига ва инфляция даражасига бўлган эҳтимолий босимини юмшатиш мақсадида 2025 йил август ойидан бошлаб Марказий банкнинг 7 кунлик облигациялари муомалага чиқарилиши бошланди ҳамда август-декабрь ойларида ўртача кунлик 21,7 трлн сўмлик операциялар ўтказилди (2.9-расм).


Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

2025 йилда пул бозоридаги операцияларнинг ҳажми 2024 йилга нисбатан 54 фоизга ошиб, жами 783 трлн сўмни (ЯИМга нисбатан 42%) ташкил этди ва бунда, депозит операциялари ҳажми деярли ўзгармаган бўлса, РЕПО операциялари қарийб 2 баробарга ошди ҳамда ушбу амалиётларнинг улуши 68 фоизни ташкил этди. Ушбу тенденция банклараро амалиётларда кредит хатарларини бошқаришда гаров мулкига бўлган талабнинг ўсаётганлиги ҳамда давлат қимматли қоғозлари бозорининг кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади (2.10-расм).


Давлат қимматли қоғозлари бозорининг кенгайиши РЕПО операцияларининг ликвидликни қайта тақсимлашдаги роли ва аҳамиятини оширмоқда.

Ўз навбатида, йил давомида муомаладаги давлат қимматли қоғозлари ҳажми сезиларли даражада ошиб, йил якунида 86 трлн сўмга етди.

2.9-расм. Марказий банкнинг пул-кредит операциялари, трлн сўмда



2.10-расм. Банклараро пул ва РЕПО амалиётлари, трлн сўмда



2025 йилда пул бозорининг ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,3 фоизни, хусусан, депозит операциялар бўйича фоиз ставкалар 13,4 фоизни, РЕПО операциялар ставкаси 13,3 фоизни ташкил этди (2.11-расм).

UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси 2025 йилда фоиз коридори доирасида, ўртача 13,1 фоиз даражада асосий ставкага яқин шаклланди (2.12-расм).

2025 йилда бир кундан юқори муддатли операциялар бўйича фоиз ставкалари турлича динамикага эга бўлиб, йил якунида Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланди. Хусусан, 2–7 кунлик операциялар бўйича ўртача фоиз ставкаси 13,9 фоизни (2024 йилда — 15,1%), 8–30 кунлик операциялар бўйича эса 15,2 фоизни (2024 йилда — 16,4%) ташкил этди.

2025 йилда тижорат банклари томонидан ликвидликни асосан овернайт операциялари орқали бошқариш афзал кўрилиб, пул бозоридаги жами амалиётларнинг 86,8 фоизи 1 кунлик депозит операцияларига тўғри келди.


Келгуси йиллар учун асосий йўналишлар

2026–2028 йилларга мўлжалланган пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляцияни мақсадли даражага туширишга қаратилган.


Асосий сценарийга кўра, инфляция 2026 йилда 6,5 фоиз, 2027 йилда 5 фоизгача пасайиши ва 2028 йилда ушбу даража атрофида барқарорлашиши кутилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун Марказий банк нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини сақлаб боради. Шу билан бирга, пул-кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳам қаратилади.

Пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида пул бозори механизмларини такомиллаштириш, таҳлил ва прогнозлаш салоҳиятини ривожлантириш ҳамда Марказий банк коммуникация сиёсатини кучайтириш чоралари кўриб борилади.

2.11-расм. Банклараро пул ва РЕПО операциялар фоиз ставкаси, фоизда



2.12-расм. UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси динамикаси (2025 йил), фоизда



III. ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА ХАЛҚАРО ЗАХИРАЛАР

Валюта бозори ва валюта операциялари

2025 йилда республика ички валюта бозорида чет эл валютаси билан боғлиқ операцион фаолликнинг ўсиши кузатилди.

Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2024 йилга нисбатан 24 фоизга (48,2 млрд доллар) ўсган бўлса, валюта таклифи ҳажми 36 фоизга (24,4 млрд доллар) ошди.

Ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт тушумлари 11 фоизга ортиб, 18,6 млрд долларни ташкил этди. Тушумларнинг 9,8 млрд доллари ёки 54 фоизи ички валюта бозорида сотилди (+19%).


Шунингдек, 2025 йилда ички валюта бозорида 9,7 млрд долларлик валюта маблағлари банклар томонидан хорижий кредитлар ҳисобидан сотилди (ўсиш — 1,7 баробар).

Сотиб олинган хорижий валютанинг асосий қисми — 50 фоизи ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар ҳамда товарлар ва хомашё импорти, 28 фоизи — хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, 17 фоизи — халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, 2 фоизи — хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган 3 фоизи — бошқа мақсадлар учун харид қилинган (3.1-расм).


Ҳисобот йилида миллий валюта алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари, умумий макроиқтисодий ҳолат ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.

2025 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси 11 881–13 004 сўм диапазонида шаклланиб, 6,9 фоизга мустаҳкамланди (3.2-расм).

3.1-расм. Валюта бозорида чет эл валютаси таклифи, млрд долларда



3.2-расм. 2025 йил давомида алмашув курси динамикаси, доллар/сўм



Умуман олганда, экспорт, хорижий кредитлар ва пул ўтказмалари каналлари орқали валюта оқимларининг сезиларли даражада ошиши, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсувчи динамикаси ҳамда импортнинг нисбатан барқарорлашиши ички валюта бозорида валюта курсининг мустақамланиш омилларидан бўлди.


Ўзбекистонда валюта савдоларини ташкил этишнинг “метчинг” усулига ўтилган 2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда икки томонлама тебранувчанлик даражаси ўртача 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 2 баробардан кўпроққа ошиб, 0,28 фоизга етди.

Таъкидлаш жоизки, 2025 йил апрель-декабрь ойлари давомида тебранувчанлик 0,35 фоизгача кўтарилган бўлиб, мослашувчанлик даражаси юқори ҳисобланган давлатлар валюталарига яқинлашди (3.3, 3.4-расм).

Шунингдек, 2025 йилда сўмнинг ўртача стандарт оғиши 42,95 сўмга тенг бўлган бўлса, фоиз кўрсаткичи 0,34 фоизни ташкил этди (2021–2024 йилларда ушбу кўрсаткич 24,17 сўм ёки 0,21% га тенг бўлган) (3.5-расм).

2025 йилда ўртача курс 12 575 сўмни ташкил этган бўлса, йил давомида курснинг энг юқори қиймати 13 004 сўмга (ўртача курсдан 5,5% га юқори) ва энг қуйи қиймати 11 881 сўмга (ўртача курсдан 3,4% га паст) тенг бўлди.

3.3-расм. Ривожланаётган давлатлар валюталари ва сўмнинг АҚШ долларига нисбатан тебранувчанлиги, фоизда




Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг “Валюта курс режимларини классификация қилишнинг янгиланган тизими”га кўра, мамлакатда валюта курси 6 ой ёки ундан ортиқ вақт давомида марказий қиймат атрофида $\pm 2\%$ диапазонда шаклланса, ХВЖ ушбу ҳолатда валюта курсини эркин сузувчи (*floating*) эмас, балки барқарорлаштирилган валюта курс режими (*stabilized arrangement*) деб баҳолайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўм валюта курси динамикаси 2025 йилда эркин сузувчи валюта курси мақомини ўзида акс эттирди деб, хулоса қилишга асос бўлди.

Бунда, валюта курси икки томонлама тебранувчанлиги ошишининг асосий омилларидан бири ички валюта бозорида маркет-мейкерлар сонинининг ошгани ҳамда улар томонидан тузилган битимлар ҳажмининг сезиларли даражада ортгани бўлди. Хусусан, 2025 йил якунига келиб маркет-мейкерлар¹ сони 2 тадан 5 тагача кўпайди.


Алмашув курсининг мустаҳкамланиши натижасида иқтисодиётимизда миллий валютага бўлган ишонч ошиши билан боғлиқ бир қатор ижобий макроиқтисодий тенденциялар кузатилди.

3.4-расм. Алмашув курси тебранувчанлиги, фоизда



*Сўм курсининг кунлик ўзгаришлари орқали ҳисобланган йиллик ўртача тебраниши мослашувчан валюта курси сиёсатини юритаётган 25 та ривожланаётган давлатлар² алмашув курсларининг йиллик ўртача тебраниш кўрсаткичига яқинлашган.

3.5-расм. Ўзбек сўмининг алмашув курси тебранувчанлиги, сўмда ва фоизда



Манба: Марказий банк

¹ Маркет-мейкер – муайян валюта жуфтлиги бўйича доимий равишда сотиб олиш ва сотиш буюртмаларини таклиф қилиб, бозор ликвидлигини таъминлайдиган иштирокчи (банк).

² Арманистон, Бразилия, Чили, Колумбия, Грузия, Венгрия, Ҳиндистон, Индонезия, Қозоғистон, Малайзия, Мексика, Парагвай, Перу, Польша, Таиланд, Туркия, Уругвай ва бошқалар.

Хусусан, ҳисобот йилида:

- миллий валютадаги ҳисоб-китоблар ҳамда жамғаришнинг фаоллашиши ҳисобига банк тизимидаги миллий валютадаги депозитлар ҳажми 43 фоизга ошиб, 330 трлн сўмга етди;
- аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари мос равишда 11,5 ва 11,1 фоизгача секинлашди (*йил бошида мос равишда 14,4 ва 14%*) ҳамда кутилмалар шаклланишида валюта курси омили икки баробарга қисқарди;
- депозит ва кредитларнинг долларлашув даражасида пасайиш динамикаси тезлашди (*кредитлар бўйича 41% дан 38% гача, депозитлар бўйича 25% дан 21% гача*);
- давлат ва корпоратив ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари ўртача 6-7 фоизгача қисқарди.

Валюта бозорида коммуникация

2025 йилда валюта бозорига оид коммуникацияни кучайтириш мақсадида ХВЖ ва соҳа экспертлари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. ХВЖ техник миссияси тавсиялари асосида валюта бозори тенденцияларини муҳокама қилиш учун Марказий банк, тижорат банклари ва экспертлардан иборат “Валюта бозори экспертлар гуруҳи” ташкил этилди.

Шунингдек, 2025 йил ноябрь ойида маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида “Инфляцион таргетлаш режимида сузувчи валюта курсининг аҳамияти” мавзусида форум ўтказилди.

Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе

2025 йилда жаҳон миқёсидаги геосиёсий омиллар, ташқи савдодаги фрагментация ҳамда юқори иқтисодий ноаниқликларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг тўлов баланси ҳамда халқаро инвестициявий мавқеида ижобий динамика сақланиб қолди.

Асосий экспорт хомашё товарлари нархларининг ўсиши³, шунингдек сафарлар, транспорт ва ахборот технологиялари соҳаларида хизматлар экспортининг кенгайиши экспорт ўсиш суръатларининг импортга нисбатан юқорироқ шаклланишига олиб келди.

2025 йилда жорий операциялар ҳисоби 5,8 млрд доллар манфий сальдо билан, деярли 2024 йил миқдорида (*5,7 млрд доллар*) шаклланди. ЯИМга нисбатан ушбу тақчиллик 0,8 фоиз бандга қисқариб, 3,9 фоизни ташкил этди (3.6-расм).

Товар ва хизматлар экспорти

2025 йилда экспорт ҳажми 23 фоизга ошиб, 32,3 млрд долларни ташкил қилди. Бунда товарлар экспорти 23 млрд долларга (+17%), хизматлар экспорти эса 9,3 млрд (+42%) долларга етди.

Товарлар экспортида (*олтинсиз*) тўқимачилик, мева-сабзавот, кимё маҳсулотлари ва қимматбаҳо бўлмаган металллар асосий улушни ташкил этиб, жами товарлар экспортининг 68 фоизини қамраб олди. Олтин экспорти 31 фоизга ўсиб, 9,8 млрд долларга етди.

³ 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида олтиннинг ўртача нархи ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 44 фоизга, кумуш нархи 41 фоизга ҳамда мис нархи 9 фоизга ўсди.

Хизматлар экспортида сафарлар асосий улушни эгаллаб, уларнинг ҳиссаси 50 фоизни ташкил этди. 2025 йилда 11,7 млн нафар сайёҳ ташрифи ҳисобига сафарлар билан боғлиқ хизматлар экспорти 46 фоизга ошиб, қарийб 4,7 млрд долларга етди.

Товар ва хизматлар импорти

Иқтисодий фаолликнинг ошиши ҳамда давлат ва хусусий секторда амалга оширилган инвестициявий лойиҳалар ҳисобига машина ва ускуналар, транспорт воситалари, энергоресурслар, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талаб юқори даражада сақланди. Натижада, 2025 йилда жами импорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20 фоизга ошиб, 52,2 млрд долларни ташкил қилди.

Бунда товарлар импорти 16 фоизга ўсиб 38,5 млрд долларга етди. Импорт таркибида машина ва ускуналар, кимё


маҳсулотлари, қимматбаҳо бўлмаган металллар, энергоресурслар ҳамда транспорт воситалари жами товарлар импортининг 70 фоизини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 30 фоизга ошиб, 13,6 млрд долларга етди.

Юқоридаги омиллар таъсирида савдо баланси манфий сальдоси 19,9 млрд доллар доирасида шаклланди. Мазкур тақчиллик бирламчи ва иккиламчи даромадлар бўйича шаклланган ижобий сальдо ҳисобига қисман қопланди.

Бирламчи ва иккиламчи даромадлар

2025 йилда трансчегаравий пул ўтказмалари жорий операциялар ҳисоби тақчиллигини камайтирувчи асосий омиллардан бири бўлди. 2025 йилда бирламчи ва иккиламчи даромадлар баланси мос равишда 371 млн доллар ва 13,7 млрд доллар миқдорида ижобий сальдо билан шаклланди.

3.6-расм. Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, млрд долларда



2025 йилда резидентларнинг бирламчи даромадлар бўйича тушумлари 13 фоизга ошиб, 6,4 млрд долларга етди, норезидентларнинг бирламчи даромадлари эса 6,1 млрд долларни ташкил қилди (+34%).

Бирламчи даромадлар бўйича харажатлар ўсиши асосан норезидент инвестициялари ва ташқи қарзлар бўйича ҳисобланган даромад ҳамда фоиз тўловлари ҳиссасига тўғри келди.

2024 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобал молиявий шароитларнинг юмшатилиши ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари ўсишини секинлаштирган бўлсада, ташқи мажбуриятлар бўйича фоиз тўловлари янги қарз маблағларининг жалб қилиниши ҳисобига ошди.

Иккиламчи даромадлар доирасида норезидентлардан уй хўжаликларига келиб тушган шахсий трансфертлар 15 млрд долларни ташкил этган бўлса, улар бўйича тўловлар 690 млн долларга тенг бўлди.


Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан хорижий инвестициялар ва ташқи қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилди. 2025 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф жалб қилинган ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 48 фоизга ўсиб, 4,4 млрд долларни ташкил қилди.

Шу даврда портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига 40 фоизга ошиб, 4,4 млрд долларни ташкил этди. Бошқа инвестициялар таркибида хориждан жалб қилинган кредит ва қарзлар ҳажми эса 21 фоизга ошиб, 9,1 млрд долларни ташкил қилди.

Халқаро инвестициявий мавқе

2025 йил бошига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг соф халқаро инвестициявий мавқеи 2 баробарга ёки 9,6 млрд долларга мустаҳкамланиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 19,1 млрд долларни ташкил этди.

3.7-расм. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестициявий мавқеи, млрд долларда



Резидентларнинг ташқи активлари асосан бошқа инвестициялар бўйича активлар ҳамда халқаро захиралар ҳажмининг ошиши ҳисобига 32 млрд долларга кўпайиб, 128,4 млрд долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий, портфель ва бошқа инвестициялар соф кирими ортиши ҳисобига ташқи мажбуриятлар ҳажми 22,4 млрд долларга кўпайиб, 109,3 млрд долларга етди (3.7-расм).

Иқтисодиёт секторлари кесимида давлат бошқаруви ва бошқа секторлар “соф кредитор”, банк сектори эса “соф қарздор” сифатида шаклланди.

Ташқи қарз


2025 йилнинг якунларига кўра умумий ташқи қарз⁴ ҳажми йил бошига нисбатан 27 фоизга ошиб, 82,2 млрд долларни ташкил этди. Бунда давлат ташқи қарзи нооперацион

ўзгаришларни инобатга олган ҳолда 19 фоизга ўсиб, 40,5 млрд долларга, корпоратив ташқи қарз эса 36 фоизга ошиб, 41,7 млрд долларга етди (3.8-расм).

Умумий ташқи қарз бўйича мажбуриятлар 2025 йилда 17,7 млрд долларга кўпайиб, мазкур ўсишнинг 6,6 млрд доллари давлат, 11,1 млрд доллари эса корпоратив қарз ҳиссасига тўғри келди. Корпоратив ташқи қарз таркибида банк сектори, ёқилғи-энергетика ҳамда бошқа секторлар корхоналари мажбуриятлари ўсиши кузатилди.

Корпоратив ташқи қарз таркибида банк сектори бўйича мажбуриятлар қолдиғи 14,4 млрд долларни (+32%), ёқилғи-энергетика секторида 12,8 млрд долларни (+43%) ҳамда бошқа секторларда 14,6 млрд долларни (+35%) ташкил қилди.

3.8-расм. Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркиби, млрд долларда



Манба: Марказий банк

⁴ Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда корпоратив (хусусий) ташқи қарз, шу жумладан қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.

Халқаро захираларни бошқариш

2025 йилда Марказий банк томонидан халқаро захираларни бошқариш глобал савдо сиёсатидаги жиддий ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиёти истиқболлари бўйича ноаниқликлар, пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши ва геосиёсий зиддиятлар шароитида хавфсизлик, ликвидлилик ва даромадлилик таъминлари қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилди.

Захираларни бошқариш самарадорлигини оширишда, жумладан, инвестиция сиёсати ва стратегияси ҳамда рискларни бошқариш тизимларини халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштиришда Жаҳон банки билан ўрнатилган “Халқаро захираларни бошқариш ва маслаҳат дастури” (*Reserve Advisory and Management Program — RAMP*) доирасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Жаҳон банки техник кўмагида Марказий банкда дастурий таъминот ва етакчи ахборот тизимларини жорий этиш, активларни диверсификация қилиш ва бошқарув имкониятларини кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилди, шунингдек, тренинг ва маслаҳат дастурлари ёрдамида ходимларнинг малакаси ошириб борилди. Жумладан, “Сертификатланган молиявий таҳлилчи” (*Chartered Financial Analyst — CFA*) ва “Молиявий хатарларни бошқариш бўйича мутахассис” (*Financial Risk Manager — FRM*) малака дастурлари бўйича тегишли босқич имтиҳонларидан ўтилди.

Шунингдек, дастур доирасида Марказий банк маблағларининг бир қисми Жаҳон банки ишончли бошқарувига топширилиши орқали кенг кўламли ва юқори ликвидли активларга инвестиция қилиниши ва малакали мутахассислар томонидан самарали бошқарилиши давом эттирилди.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Марказий банки ва Сонгюнгван университети билан Knowledge Partnership Program (*KPP*) дастури доирасида “Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш” бўйича қўшма тадқиқот ўтказилди.

Халқаро захиралар динамикаси

2025 йил якунига кўра ялпи халқаро захиралар ҳажми 66,3 млрд долларни, жумладан, олтин — 55,1 млрд доллар, чет эл валютасидаги захира активлар — 9,7 млрд доллар ва қимматли қоғозлар — 1,5 млрд долларни ташкил этди (3.9-расм).

2025 йилда глобал савдода протекционистик сиёсатнинг кучайиши ва иқтисодий ўсиш истиқболлари бўйича ноаниқликлар ортиши шароитида етакчи марказий банклар томонидан иқтисодий фаоллик кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида пул-кредит сиёсатини юмшатиш чоралари кўрилди. Хусусан, АҚШ Федерал захира тизими томонидан асосий фоиз ставкаси 0,75 фоиз бандга пасайтирилди. Мазкур шароитда қатъий даромад келтирувчи активларга нисбатан олтиннинг инвестицион ва хавфсиз актив сифатида жозибадорлиги ошди.

Натижада, 2025 йил давомида олтин нархи 1 трой унция учун 68 фоизга ошиб, йил якунига келиб 4 389,5 долларни ташкил қилди.

Захиралар таркибидаги олтиннинг физик ҳажми деярли ўзгармаган бўлсада (+0,3 млн трой унция), олтин захиралари қиймати 23,1 млрд долларга ўсиб, шундан олтин нархи ўсишининг таъсири 22,3 млрд долларни ташкил қилди. Шунинг ҳисобига олтиннинг халқаро захиралар таркибидаги улуши 2024 йилдаги 78 фоиздан 2025 йил якунига келиб 83 фоизга етди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 109 тонна монетар олтин харид қилинди ва 100 тонна олтин экспорти амалга оширилди. Экспортдан тушган валюта маблағлари пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ҳамда халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлашга йўналтирилди.

Йил якунига келиб чет эл валютасидаги активлар ҳажми 2,0 млрд долларга ошиб, уларнинг 87 фоизи АҚШ долларида ва 13 фоизи Хитой юанида шаклланди. Валюта активларининг бир қисми Хитой юанида шаклланиши унинг халқаро захира валютаси мақоми ва ташқи савдода етакчи ҳамкор мамлакат валютаси эканлиги билан изоҳланади.

Халқаро захираларни бошқаришда рискларни, шу жумладан, концентрация рискин камайтириш мақсадида ҳисобот йилида чет эл валютасидаги активлар юқори суверен кредит рейтингига эга 16 та мамлакат ва халқаро инвестицион рейтингга эга 35 та банкда муддатли депозитларга жойлаштирилди.

Жумладан, йил якунига кўра Марказий банкнинг муддатли депозитлари Осиё-тинч океани (55%), Европа (38%) ва Шимолий Америка минтақаси (7%) банкларига жойлаштирилган.

3.9-расм. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркиби



Манба: Марказий банк

Депозитга жойлаштирилган валюта маблағларининг 25 фоизи “AAA”, 27 фоизи “AA” ва 48 фоизи “A” суверен кредит рейтингига эга мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, валюта маблағларининг 5 фоизи “AAA”, 17 фоизи “AA” ва 78 фоизи “A” инвестицион рейтингга эга хорижий ҳамкор-банкларга жойлаштирилган.

2025 йилда Марказий банкнинг жами амалдаги ҳамкор банклари сони 47 тани ташкил этиб, уларнинг 33 таси биринчи даражали капитал ҳажми бўйича дунёнинг 100 та энг катта банклари рейтингига қайд этилган, қолган қисми эса дунёнинг 200 та энг йирик банклари рўйхатига киритилган.

Валюта активлари билан боғлиқ хатарлар ҳамкор-банклар кесимида мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда.

Халқаро захиралар таркибидаги қимматли қоғозлар портфелини бошқариш.

2025 йил якунига келиб Марказий банкнинг қимматли қоғозлар портфели қиймати 1,5 млрд долларга етди. Мазкур портфель пассив стратегиялар асосида бошқарилиб, қимматли қоғозларни сўндириш муддатига қадар сақлаб туриш ҳамда тегишли бенчмарк риск кўрсаткичларига мос қимматли қоғозлар танлаб олиш (*индексация қилиш*) усуллари қўлланилади.

Марказий банкнинг қимматли қоғозлар портфели даромадлиги йиллик ҳисобда 4,6 фоизни ташкил қилиб, 2025 йил давомида портфель даромади ва бенчмарк даромади

ўртасида сезиларли тафовут кузатилмади, тафовутнинг стандарт четлашиши (*Tracking Error*) ноль фоизни ташкил қилди.

Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари

Халқаро захираларнинг меъёрий талаблар доирасида бўлиши давлатнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаб, Ўзбекистоннинг халқаро кредит рейтинглари ҳамда инвестициявий жозибадорлигини оширади. Бу эса, ташқи молия бозорларидан ресурсларни қулай шартларда жалб қилиш, ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш ва инқирозли даврларда нисбатан тез ва кам йўқотишлар билан енгиб ўтиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда халқаро захираларни мувозанатли бошқариш сиёсати захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси (*минимал талаб 100%*), импортни қоплаш даражаси (*камида уч ойлик импортни қоплаш*), кенг маънодаги пул массасига нисбати (*20%*), ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун АРА ЕМ захиралар етарлилиги (*100–150%*) кўрсаткичларининг халқаро амалиётда белгиланган минимал талаблардан юқори шаклланишида намоён бўлмоқда⁵.

Хусусан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2025 йил 1 январь ҳолатига 211 фоизни ташкил қилиб, 20 фоизлик минимал талабдан 11 баробар кўп шаклланди.

⁵Assessing Reserves Adequacy for Emerging Markets (ARA EM) — бу кўрсаткич ХВЖнинг методологияси асосида мамлакатнинг валюта сиёсати, экспорт-импорт ҳажми, пул массаси, ташқи қарзлари каби кўрсаткичлар асосида ҳисобланади.

Импортни қоплаш даражаси 2024 йилдаги 13 ойдан 14 ойгача ошиб, тавсия этиладиган меъёрлардан 4,7 баробар юқори бўлди. Қисқа муддатли ташқи қарзларни қоплаш даражаси 442 фоизни (*минимал талабдан 4,4 баробар юқори*), ХВЖнинг АРА ЕМ захиралар етарлилиги кўрсаткичи эса минимал талабдан 3,4 баробар юқори даражани ташкил этди (3.10-расм).

Шу билан бирга, Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМга нисбати 45 фоиз бўлиб, асосий савдо ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичларига нисбатан юқори даражада сақланиб қолмоқда (3.11-расм).


Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторида мамлакатнинг ички ва ташқи шоклар таъсирида инқироз эҳтимолини камайтиришга хизмат қилиб, инвесторлар учун инвестиция қарорларини қабул қилишда муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Келгуси йиллар учун асосий йўналишлар


2026 йилда ички валюта бозорини янада ривожлантириш мақсадида Марказий банкнинг валюта интервенциялари бўйича янги таҳрирдаги стратегияси ишлаб чиқилади. Шунингдек, валюта бозорини ривожлантириш, ушбу соҳада коммуникация сиёсатини кучайтириш, валюта операциялари механизмларини такомиллаштириш ҳамда валюта курси шаклланишида бозор омиллари ролини ошириш бўйича чоралар кўрилади.

Шу билан бирга, халқаро резервларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Бунда резерв активларини диверсификация қилиш, уларнинг ликвидлиги ва даромадлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро резервларни ташқи мажбуриятларни бажариш учун етарли даражада шакллантириш таъминланади.

3.10-расм. Халқаро захираларнинг АРА ЕМ кўрсаткичи, фоизда



3.11-расм. Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши, фоизда



IV. МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИК, ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ

2025 йилда Марказий банк банк тизимида молиявий барқарорликни ўрганиш ҳамда ташқи омиллар билан боғлиқ макроиқтисодий ва молиявий хатарларни юмшатишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Банклар фаолияти турли макроиқтисодий ва молиявий сценарийлар асосида мунтазам равишда стресс-тестлардан ўтказилиб, келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриб борилди.

Стресс-тест натижалари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан тегишли назорат ва мувофиқлаштириш ишлари таъминланди.

Ҳисобот йили давомида банк назорати тизимини такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмагида Молиявий секторни баҳолаш дастури (FSAP) ўтказилиб, бунда банклар фаолиятини назорат қилиш тизими Базель талабларига мувофиқлиги баҳоланди.

Баҳолаш дастури экспертлари томонидан тақдим этилган хулоса ва таклифлар асосида Марказий банк бошқаруви қарори билан “2025–2028 йилларда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, банклар фаолиятида содир бўлган аҳамиятга молик маълумотлар, банк кенгаши томонидан қабул қилинган муҳим қарорлар, регулятор томонидан банкка нисбатан қўлланилган чора ва санкцияларни ўз ичига олган институционал таҳлилий маълумотлар ҳар чоракда шакллантириб борилди.

Банкларнинг бизнес режа кўрсаткичлари ижроси 2025 йилда ҳам чораклик назорат қилиб борилди.

Банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кредитлар

Ҳисобот йилида банкларнинг жами активлари 155 трлн сўмга ёки 20 фоизга ошиб, 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига 925 трлн сўмга етди.

Активлар таркибидаги соф кредит қўйилмалари улуши 2024 йилдаги 66,9 фоиздан 63,5 фоизгача камайган бўлса, бошқа банклардаги маблағлар улуши 8,5 фоиздан 8,6 фоизгача ҳамда инвестициялар ва сотиб олинган қимматли қоғозлар улуши 7,7 фоиздан 11,1 фоизгача ошиши кўзатилади.

2025 йилда банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 390 трлн сўм ёки 2024 йилга нисбатан 36 фоизга кўп кредитлар ажратилди.

Ажратилган кредитларнинг миллий валютадаги қисми 2024 йилга нисбатан 43 фоизга ошиб, 276 трлн сўмни ташкил қилган бўлса, хорижий валютадаги қисми 20 фоизга ошиб, 114 трлн сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитларнинг 60 фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳамда 40 фоизи аҳоли ҳиссасига тўғри келади.

Тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг 96 трлн сўмлик қисми револьвер шаклида айланма маблағларни тўлдириш мақсадларига йўналтирилган.

Ўз навбатида, 2025 йил давомида 305 трлн сўм ёки 2024 йилга нисбатан 38 фоизга кўп кредитлар сўндирилган бўлиб, уларнинг ажратилган кредитларга нисбати 78 фоизни ташкил этган (4.1-расм).

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи 2025 йил бошига нисбатан


15 фоизга ёки 87 трлн сўмга ошиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 653 трлн сўмга етди (4.2-расм).

Мазкур кредит қўйилмаларининг миллий валютадаги қисми 2024 йилдаги 59 фоиздан 62 фоизга етган бўлса, хорижий валютадаги кредитлар салмоғи 41 фоиздан 38 фоизгача пасайган.


2025 йилда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари 8 фоизга ўсиб, 384 трлн сўмга, аҳолига ажратилган кредитлар ҳажми эса 24 фоизга ошиб, 220 трлн сўмга етган.

Аҳолининг кредит қўйилмалари таркибида ипотека кредитлари улуши 36 фоизни (79,4 трлн сўм), микроқарзлар 22 фоизни (48,9 трлн сўм), тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар 18 фоизни (40,5 трлн сўмни), автокредитлар 18 фоизни (39,7 трлн сўм) ва бошқа кредитлар 5 фоизни (11,9 трлн сўм) ташкил этди.

4.1-расм. Ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси



4.2-расм. Иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи динамикаси



Ҳисобот йилида давлат улушига эга банкларда жами кредит қўйилмалари ҳажми 10 фоизга ошиб, 404 трлн сўмга ва хусусий банкларда 20 фоизга ошиб, 200 трлн сўмга етди.

Бунда, давлат банклари кредит қўйилмаларининг банк тизими портфелидаги улуши 2024 йилдаги 69 фоиздан 67 фоизгача пасайган бўлса, ўз навбатида хусусий банкларнинг улуши 31 фоиздан 33 фоизгача ошган.

Мазкур ҳолат хусусий банклар фаолиятида рақамли ечимлардан фойдаланиш кўламининг кенгайиши, бизнес моделларда чакана кредитлашга эътиборнинг ортиши ҳамда кредитлаш жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар билан изоҳланади.

Депозитлар

2025 йилда банкларнинг жами мажбуриятлари 789,4 трлн сўмга етиб, 2024 йилга нисбатан 21 фоизга ёки 135 трлн сўмга ошган бўлса, ушбу ўсишининг 80 фоизи депозитлар, 10 фоизи жалб қилинган кредит линиялари, 6 фоизи чиқарилган қимматли қоғозлар ва 4 фоизи бошқа банклар ва молиявий ташкилотлардаги маблағлар ҳисобига шаклланди.

Жами мажбуриятлар таркибида жалб қилинган депозитлар улуши 47 фоиздан 53 фоизгача ҳамда чиқарилган қимматли қоғозлар улуши 4 фоиздан 5 фоизгача ошган.

Жалб қилинган кредит линияларининг улуши 36 фоиздан 31 фоизгача камайган.

Жалб қилинган депозитлар таркибида миллий валютадаги депозитлар улуши 75 фоиздан 79 фоизгача ошган бўлса, чет эл валютасидаги депозитлар улуши 25 фоиздан 21 фоизгача пасайди.

Ушбу ҳолат сўмнинг мустаҳкамланиши, шунингдек ижобий реал фоиз ставкаси сақлаб қолинаётганлиги натижасида миллий валютадаги депозитларнинг жозибадорлиги ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Банклардаги ташқи кредит ресурслари 5,8 фоизга (*8,6 трлн сўмга ошиб, 13 млрд долларни ташкил қилган*) ошган бўлса, ички ресурслар — депозитлар қолдиғи 2025 йилда 108,6 трлн сўм ёки 35 фоизга ўсган.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

2025 йилда банк тизимининг жами капитали ҳажми 18 фоизга ошиб, 135 трлн сўмга, устав капитали ҳажми 13 фоизга ўсиб, 94 трлн сўмга етди.

Банклардаги регулятив капитал ҳажми 21 фоизга ошиб, 151 трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар 14 фоизга кўпайиб, 823 трлн сўмни ташкил қилди. Капитал монандлиги кўрсаткичи 18,3 фоизни ташкил этиб (*минимал талаб 13%*), ўтган йил даражасидан 1 фоиз бандга мустаҳкамланган (4.3-расм).

Ҳисобот йилида юқори ликвидли активлар ҳажми 56 трлн сўмга ёки 42 фоизга кўпайиб, 189 трлн сўмга, улар таркибидаги миллий валютадаги активлар 47 трлн сўмга, хорижий валютадаги активлар эса 9 трлн сўмга кўпайиб, уларнинг ҳажми мос равишда 121 ва 68 трлн сўмни ташкил этди.

Натижада, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши (*ликвидлилик буфери*) 2025 йилда 3,8 фоиз бандга ошиб, 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига 21,1 фоизга (*минимал талаб 10%*) етди.

Юқори ликвидли активлар ҳажмининг ошиши фонида, банк тизимида ликвидлиликни қоплаш меъёри (*қисқа муддатли ликвидлилик (LCR)*) яхшиланди. Мазкур кўрсаткич ҳисобот йили давомида 14 фоиз бандга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 208 фоизни ташкил этди (*минимал талаб 100%*).


Бу эса, ўз навбатида, банк тизимида қутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банкларда кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни 2 баробар ортиғи билан бажара олиш имкони мавжудлигини билдиради.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри кўрсаткичи (*узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари (NSFR)*) қарийб 5 фоиз бандга ошиб, 120 фоиз даражасида шаклланди (*минимал талаб 100%*).


2025 йилда банкларнинг ялпи даромадлари 201 трлн сўм, ялпи харажатлари 185 трлн сўмни ташкил этиб, банк тизими соф фойдаси 15,5 трлн сўмга тенг бўлди.

Банклар жами даромадларининг 64 фоизи фоизли даромадлар, 36 фоизи фоизсиз даромадлар ҳиссасига тўғри келади. Фоизли даромадларнинг 70 фоизи кредит ва мижозларнинг мажбуриятлари, 6 фоизи қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадлар, 3 фоизи бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлардан ташкил топган.

4.3-расм. Капитал етарлилиги кўрсаткичи



4.4-расм. Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA)



Ҳисобот йилида банкларда фоизсиз даромадларнинг сезиларли ошиши (+33%) натижасида банк тизими рентабеллик кўрсаткичлари яхшиланди. Хусусан, банк тизими активлари рентабеллиги 2024 йилга нисбатан 0,8 фоиз бандга ошиб, 2,2 фоизни ва капитал рентабеллиги 5,8 фоиз бандга кўпайиб, 12,4 фоизни ташкил этди (4.4-расм).

Ўз навбатида, банклар фоизли харажатларининг ортиши операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR)да намоён бўлди. 2025 йилда мазкур кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 0,8 фоиз бандга ошиб, 36,3 фоизни (мақбул даража 50%) ташкил этди.

Муаммоли кредитлар

2025 йилда банк тизимида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 1 фоиз бандга пасайиб, 3 фоизни ташкил этди.

2026 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг 85 фоизи “стандарт”, 12 фоизи “субстандарт” ҳамда 3 фоизи муаммоли (1,1% “қониқарсиз”, 1% “шубҳали” ва 0,9% “умидсиз”) кредитлар сифатида таснифланди. Банклар томонидан 2025 йилда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захиралар (стандарт активлар бўйича яратилган захираларни ҳисобга олинмаганда) ҳажми 1,5 трлн сўмга ёки 8 фоизга пасайиб, 17 трлн сўмга етди. Бунда, муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси ўтган йилнинг мос давридаги 87 фоиздан 2026 йил 1 январь ҳолатига 94 фоизгача ошди.

Муаммоли кредитларнинг 67 фоизи (12,1 трлн сўм) тадбиркорлик субъектлари ва 33 фоизи (6 трлн сўм) жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг муаммоли кредитлари таркибида 2 трлн сўми микроқарзлар (33%), 1,2 трлн сўми автокредитлар (19%), 966 млрд сўми ипотека кредитлари (16%), 1,6 трлн сўми тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар (26%) ва 319 млрд сўми бошқа кредитлар (5%) ҳиссасига тўғри келади.

Нобанк кредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

Активлар

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ортиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 12,5 трлн сўмни ташкил этган.

Бунда, микромолия ташкилотларининг активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,9 трлн сўмга (+50%) ўсиб, 11,8 трлн сўмга етган бўлса, ломбардлар активлари 246 млрд сўмга (+49%) ошиб, 743 млрд сўмга етган.

2026 йил 1 январь ҳолатига микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активларининг асосий қисми, яъни 91 фоизи (11,4 трлн сўм) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, улар ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга ошди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит портфелидаги улуши 1,9 фоизга етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2025 йилда жами 31,8 трлн сўм миқдорда кредитлар ажратилиб (*ўсиш — 2 баробар*), бунда, кредитлашнинг 91 фоизи (*28,9 трлн сўми*) микромолия ташкилотлари ва 9 фоизи (*2,9 трлн сўми*) ломбардлар ҳиссасига тўғри келган (4.5-расм).


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматларининг асосий қисми жисмоний шахсларга тўғри келиб, улар улуши 97 фоизни (*30,8 трлн сўм*), юридик шахслар улуши эса 3 фоизни (*1,1 трлн сўм*) ташкил этди.

Бунда, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар қолдиғи 1,8 баробарга кўпайиб, 694 млрд сўмга, факторинг хизматлари ҳажми 2,4 баробарга ошиб, 222 млрд сўмга етган бўлса, лизинг хизматлари ҳажми 37 фоизга камайиб, 6 млрд сўмни ташкил этган (4.6-расм).


Исломий молиялаштириш

2025 йилда жами 21,1 млрд сўмлик исломий молиялаштиришга оид хизматлар 7 та микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган бўлиб, жами хизматлар таркибида “Муробаҳа” хизматлари 63 фоиз (*13,2 млрд сўм*), “Мушорақа” 13 фоиз (*3 млрд сўм*), “Исломий ижара” 7 фоиз (*1,4 млрд сўм*) ва “Музораба” хизматлари 17 фоиз (*3,5 млрд сўм*)ни ташкил этган.

4.5-расм. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар, трлн сўмда



4.6-расм. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи, млрд сўмда 2026 йил 1 январь ҳолатига



Факторинг хизматлари

2025 йилда кредит ташкилотлари томонидан жами 9,5 трлн сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди (*ўсиш — 5 баробар*). Ушбу ҳажмнинг 93 фоизи (*8,8 трлн сўм*) тижорат банклари, 7 фоизи (*699 млрд сўм*) эса микромолия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди.

Кўрсатилган факторинг хизматлари таркибида рақамли факторинг хизматлари улуши 46 фоизни ташкил этиб, уларнинг ҳажми 4,4 трлн сўмга тенг бўлди.

Бизнеснинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини факторинг орқали молиялаштириш ҳажми сезиларли ошди. Хусусан, факторинг хизматлари бўйича ойлик энг юқори ҳажм 2024 йил декабрь ойидаги 630 млрд сўмдан 2025 йил декабрь ойида 1,2 трлн сўмга етди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича факторинг хизматларининг асосий қисми саноат соҳасига 4,5 трлн сўм (*48%*) ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига 4,1 трлн сўм (*44%*) йўналтирилган. Шунингдек, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги секторларида ҳар бири мос равишда 391 млрд сўмлик (*4%*) ва 409 млрд сўмлик (*4%*) дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилган.

Халқаро факторинг амалиётлари

2025 йилда тижорат банклари томонидан 642 млрд сўм эквивалентида (*жамига нисбатан 7%*) регресс ҳуқуқи билан халқаро факторинг хизматлари кўрсатилди.

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида халқаро факторинг хизматларининг асосий қисми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига (*65%*) ҳамда саноат тармоғига (*32%*) тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида (*3%*) дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилди.

Халқаро факторинг хизматларининг асосий қисми Тожикистон (*39%*), Россия (*34%*), Қозоғистон (*10%*) ҳамда Қирғизистон (*10%*) билан амалга оширилган.

Мажбуриятлар ва капитал

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2025 йил якунида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошиб, 8,5 трлн сўмни ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари 8,3 трлн сўмни (*+55%*), ломбардларда эса 146 млрд сўмни (*+21%*) ташкил этган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга кўпайиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 4,1 трлн сўмга етган. Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали 1,4 баробарга ошиб, 3,5 трлн сўмни ва ломбардларда 1,6 баробарга ўсиб, 597 млрд сўмни ташкил этган.

Шунингдек, хориж капитали иштирокидаги микромолия ташкилотларининг устав капитали 310 млрд сўм (*ўсиш — 1,5 баробар*) ва ломбардларда 97 млрд сўмга (*ўсиш — 5,4 баробар*) етган.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

2025 йил якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари 5,1 трлн сўмни, жами харажатлари 3,9 трлн сўмни ташкил этиб, жами 1,2 трлн сўм миқдорида соф фойда олинган.

Микромолия ташкилотларида активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 2024 йил бошига нисбатан 2,3 фоиз бандга камайиб, таҳлил санасида 38,2 фоизни ташкил этган бўлса, капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) ушбу даврда 0,9 фоиз бандга камайиб, 2025 йил якуни бўйича 18,5 фоизни ташкил этган.

Шу билан бирга, ломбардларда активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 2025 йил якунида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 фоиз бандга камайиб, 55,4 фоизни ташкил этган бўлса, капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 фоиз бандга ошиб, ҳисобот санасида 52,3 фоизга етган.

Муаммоли кредитлар

Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар қолдиғи жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 263 млрд сўм ёки 2,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасида сақланган.

Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти 2025 йил бошига нисбатан 8 фоиз бандга ошиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 65 фоизни ташкил этган.

Пруденциал чора-тадбирлар

Ҳисобот йилида банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган хатарларга нисбатан бардошлиликни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Жумладан, банкларнинг таваккалчиликка асосланган банк назорати тамойиллари асосида банкларнинг риск-профилларини баҳолаш, уларнинг кредит портфели сифатини яхшилаш, ликвидлилик ва капитал буферларини шакллантириш, шунингдек, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини мунтазам таҳлил қилиб бориш бўйича тегишли ишлар олиб борилди.

Жаҳон банки тавсиялари асосида ишлаб чиқилган таваккалчиликка асосланган банк назорати қўлланмасига мувофиқ илк маротаба барча 35 та банкнинг риск-профили, хусусан, банкларнинг кредит, ликвидлилик, операцион ва бозор хатарларига бардошлилик ҳолати баҳоланди.

2023 йилда 4 та, 2024 йилда 14 та банкнинг риск-профили баҳоланган.

Баҳолаш натижалари бўйича банк тизими 3 балл, давлат банклари 3 балл ва бошқа банклар 2 балл билан баҳоланди. Бунда, 2 та банк 1 балл, 15 та банк 2 балл, 15 та банк 3 балл ва 3 та банклар фаолияти 4 балл деб баҳоланди.

Шунингдек, баҳолаш якунлари бўйича банклар бошқаруви ва кенгашларига мавжуд хатарларни бартараф қилиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Таваккалчиликка асосланган банк назоратини амалга ошириш чоратадбирлари доирасида 2025 йилнинг июнь ойида банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган кредит хатарлари концентрацияси ва уларнинг банклар молиявий барқарорлигига таъсири юзасидан “асосий” ва “хатарли” сценарийларда стресс-тест ўтказилди.

Стресс-тест натижалари асосида банклар томонидан мавжуд заифликлар, уларнинг барқарорлик кўрсаткичларига кредитлаш имкониятлари чекланишига таъсирлари аниқланди.

Шу билан боғлиқ ҳолда, стресс-тест натижалари юзасидан тижорат банклари томонидан банкларнинг рискларини бошқаришдаги, ҳусусан кредит рискларини бошқаришдаги мавжуд заифликларни бартараф қилиш борасида тегишли амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ижроси назоратга олинган.

Бундан ташқари, банклардаги кредитларнинг муаммога айланишига сабаб бўлаётган тизимли омилларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида 2025 йилда Банклардаги муаммоли активлар билан ишлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Бугунги кунда гуруҳ томонидан:

– NPL (90+ кун) кредитлар портфелини тизимли (*кредит портфелидаги ўсиш динамикаси, концентрация, банклар, ҳудудлар, тармоқ ва йирик қарздорлар кесимида*) таҳлил қилиш;

– сегментлар кесимида муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

– давлат иштирокидаги банклар бўйича алоҳида назорат механизмларини қўллаш;

– банкларда муаммоли кредитларни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш;

– таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш каби вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банкларнинг 2025 йил учун белгиланган бизнес режа кўрсаткичлари ижроси чораклик назорат қилиб борилмоқда.

Макропруденциал чора-тадбирлар

Ўзбекистонда молия тизими барқарорлигини таъминлаш юзасидан 2025 йил давомида Марказий банк томонидан бир қатор макропруденциал чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, банклар капитал монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида ишлаб чиқилган янги низом орқали капитал монандлилик талаблари Базель III стандартларига мослаштирилди ва капитал буферлари амалиётга жорий этилди. Шунингдек, қарздорларга йўналтирилган макропруденциал сиёсат воситалари такомиллаштирилиб, уларнинг қамрови кенгайтирилмоқда.

Халқаро молия ташкилотлари тавсиялари ва хорижий тажриба асосида даврий тизимли хатарларни олдини олиш мақсадида банклар учун контрциклик капитал буферини белгилаш асослари ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат Базель III стандартларига мувофиқ контрциклик капитал буфер даражасини белгилаш ва ўзгартиришнинг умумий концепциясини шакллантириб, 2026 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари учун 1,5 фоиз миқдоридagi контрциклик капитал буферини жорий этишга асос бўлди.

Шунингдек, тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш методологияси такомиллаштирилиб, уларнинг қамрови кенгайтирилди. Таркибий тизимли хатарларни бартараф этиш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб тизимли аҳамиятга молик банклар учун 1 фоиз миқдоридa капитал буфери ўрнатилди. Бундан ташқари, банкларнинг барқарор фаолияти ва тўлов қобилиятини таъминлаш учун 2026 йилдан капитал консервация буфери 2,5 фоиз даражасида жорий этилди.

Банк ва нобанк кредит ташкилотларида кредит хавфини камайтириш ҳамда аҳоли қарз юки даражасининг ошиб кетишини олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 январдан бошлаб қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови (*DSTI*) барча кредит турлари бўйича 50 фоизгача пасайтирилди.

Шу билан бирга, кредит фаоллигини сақлаб қолиш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қарз юки талаблари бўйича айрим истиснолар белгиланди. Хусусан:

– ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида биринчи марта рўйхатдан ўтганига олти ойдан ошмаган қарз олувчиларга даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун банклар томонидан кредитлар ажратишда жисмоний шахслар кредит портфелининг 15 фоизгача қарз юки кўрсаткичини инобатга олмаслик;

– жисмоний шахслар кредит портфелининг энг кўпи билан 15 фоизига тижорат банклари томонидан қарз юки кўрсаткичи 100 фоизгача бўлган қарз олувчиларга кредитлар ажратилиши;

– тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларга, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бериладиган кредитлар ҳамда таълим кредитларига қарз юки кўрсаткичи талабларининг татбиқ этилмаслиги;

– микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга кредитлар ажратишда амалдаги кредит шартномаларини ҳам инобатга олган ҳолда асосий қарз қолдиғи базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача (*ўзини ўзи банд қилган қарз олувчилар учун 75 баробаригача*) бўлган миқдорда қарз юки кўрсаткичи талабларини инобатга олмаслик мумкин.

Кредит портфелининг гаров билан таъминланганлик даражасини ошириш ва активлар бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин бўлган йўқотишларни олдини олиш мақсадида жисмоний шахсларга ипотека ва автокредитлар ажратишда кредит суммасининг гаров суммасига нисбати (*LTV*) бўйича чекловлар ўрнатилди.

Хусусан, 2025 йил 24 июлдан автокредитлар учун *LTV* 75 фоиз этиб белгиланди. Ипотека кредитлари бўйича мазкур кўрсаткич Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириладиган кредитлар учун 85 фоиз, бошқа ипотека кредитлари учун эса 80 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, банкларга автокредит ва ипотека портфелларининг ҳар бири бўйича энг кўпи билан 15 фоиз қисмига меъёрий талаблардан юқори *LTV* билан кредит ажратишга рухсат этилди. Бироқ, қарз олувчининг ўртача ойлик даромадини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда ипотека кредитлари учун бундай истисно қўлланилмаслиги белгиланди.

Кредит портфели диверсификациясини таъминлаш ва концентрация хавфини чеклаш мақсадида айрим кредит турлари бўйича қўшимча концентрация талаблари жорий этилди. Хусусан, 2025 йил 24 июлдан бошлаб микроқарзлар, овердрафт ва кредит карталарнинг ҳар бири жами кредит портфелининг 25 фоизидан ошмаслиги белгиланди. Ушбу талабларга жавоб бермайдиган банклар кредит портфелини 2029 йил 1 январга қадар Марказий банк билан келишилган муддатларда босқичма-босқич меъёрларга мослаштириш талаби қўйилди.

Шунингдек, аҳолига истеъмол кредитлари ва микроқарзлар ажратишда қарз юки хавфини камайтириш мақсадида қарзнинг даромадга нисбати (*DTI*) бўйича талаблар ўрнатилди.

2026 йил 1 мартдан бошлаб мазкур кўрсаткич ўртача ойлик даромадни аниқлаш имконияти мавжуд бўлган қарз олувчилар, шу жумладан ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 8 баробардан ошмаслиги белгиланади.

Банкларга жисмоний шахслар кредит портфелининг энг кўпи билан 15 фоизигача ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида биринчи марта рўйхатдан ўтганига олти ойдан ошмаган қарз олувчиларга даромад олишга йўналтирилган кредитлар ажратишда *DTI* талабларини қўлламаслик имконияти берилди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар ҳамда таълим кредитлари бўйича мазкур талаблар татбиқ этилмаслиги белгиланди.

Макропруденциал сиёсат асосларини такомиллаштириш доирасида тизимли хатарларни аниқлаш учун қўшимча таҳлилий моделлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банк тизими бардошлилигини баҳолаш йўналишида макро стресс-тест воситалари янада такомиллаштирилди.

Молиявий барқарорлик ҳолати ва хатарлари бўйича маълумотлар пресс-релизлар, подкастлар ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Тартибга солиш ва назорат

2025 йилда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга оид қонунчилик ҳужжатларини умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, молиявий хавфсизлик тизимини жорий қилиш ва банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ислохотлар давом эттирилди.

2025 йилда банклар капиталининг монандлиги ва ликвидлилик коэффицентларига доир талаблар Базел III стандартига мувофиқлаштирилди.

Бунда, банк регулятив капитали таркибига киритилиши мумкин бўлган капитал элементлари кўлами кенгайтирилиши билан бир қаторда уларга нисбатан мувофиқлик мезонлари қатъийлаштирилди. Шунингдек капитал монандлиги кўрсаткичида инobatга олинувчи таваккалчиликлар (*кредит, бозор ва операция*) ҳисоб-китобининг тартиби такомиллаштирилди.

Шу билан биргаликда, ликвидлилик кўрсаткичлари — ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (*LCR*) ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (*NSFR*) ҳисоб-китоби тартиби қайта кўриб чиқилди ҳамда юқори ликвидли активлар таркиби кенгайтирилди. Ушбу ўзгартиришлар банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли ликвидлилик буферлари тўғри баҳоланишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, банклар томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари молиялаштирилишини

рағбатлантириш мақсадида кредит таваккалчилиги ҳисоб-китобида битта кичик тадбиркорлик субъектига берилган кредитларга нисбатан пасайтирилган таваккалчилик даражаси (75%) қўлланиши мумкин бўлган лимит 300 млн сўмдан 15 млрд сўмгача оширилди. Шунингдек, тадбиркорларга 15 млрд сўмгача берилган кредитлар бўйича кафолатлаш ташкилоти кафолатларнинг таваккалчилик даражаси 50 фоиз этиб белгиланди.

Шунингдек, банкка алоқадор шахслар билан боғлиқ концентрация таваккалчиликларини камайтириш мақсадида банкка алоқадор битта шахсга ҳамда барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдорларига доир талаблар қатъийлаштирилди.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, янги ташкил этилган молиявий институт — микромолия банклари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, микромолия банкларига нисбатан пруденциал нормативлар, шунингдек уларда корпоратив бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш тизимлари, ташқи ва ички аудит ва бошқа талаблар мутаносиб даражада тартибга солиш ва назорат қилиш тамойилини инobatга олган ҳолда белгиланди.

2024-2025 йилларда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўтказилган Молиявий секторни баҳолаш дастури (*FSAP*) доирасида Ўзбекистон банк-молия тизими илк маротаба комплекс баҳолашдан ўтди.

Ушбу дастур доирасида 9 та йўналишда баҳолаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистонда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизими Базель қўмитасининг Самарали банк назорати бўйича 29 та асосий тамойилдан 20 таси бўйича “ижобий” деб баҳоланди.

Мазкур баҳолаш натижасида Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки томонидан “Молиявий тизим барқарорлигини баҳолаш” (FSSA), “Молиявий секторни баҳолаш” (FSA) ва “Банк назоратининг самарали амалга оширилиши бўйича банк назорати бўйича Базель қўмитасининг асосий тамойилларига мувофиқлигини баҳолаш” (BCP) ҳисоботларини чоп этиш йўлга қўйилди ҳамда ушбу ҳисоботларда банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор тавсиялар бериб борилмоқда.

Мазкур ҳисоботлар ҳамда баҳоловчиларнинг тавсиялари асосида 2025-2028 йилларда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган “Йўл харита”си тасдиқланди.

Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2025 йилнинг 18 феввалида қабул қилинди.

Мазкур қонун халқаро стандартларга мослаштирилиб, унда жисмоний шахслар билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳам омонатлари

кафолатланиши белгиланди. Бунда бир банкда бир омонатчининг миллий ва чет эл валютасидаги кафолатланган омонатлари бўйича тўланадиган компенсациянинг умумий миқдори, омонатларнинг валютаси ва ҳажмидан қатъи назар, 200 млн сўмдан ошмаган миқдорни ташкил этади.

Шу билан бирга, Қонунда банк тугатилган тақдирда компенсацияларни тўлашни бошлаш муддати босқичма-босқич 7 иш кунигача қисқартирилиши белгиланди.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди негизида Омонатларни кафолатлаш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик фаолияти Paybox Plus модели асосида ташкил этилди. Шу доирада рискка асосланган календарь бадаллар тизими жорий қилиниб, стресс-тест ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Агентликда HR BP модели асосида кадрлар бошқаруви жорий этилди ҳамда ички аудит, комплаенс ва таваккалчиликларни бошқаришни қамраб олган уч босқичли назорат тизими шакллантирилди. Шунингдек, Агентлик IADI ҳамда унинг минтақавий қўмиталари доирасида фаол иштирок этиб, 12 та давлатнинг депозитларни суғурталаш ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолади.

2025 йилда жами 1,6 трлн сўм календарь бадаллар ундирилиб, Омонатларни кафолатлаш жамғармаси ҳажми 6,8 трлн сўмга етди (*йиллик ўсиш — 49,4%*). Ушбу ўсишнинг 57 фоизи календарь бадаллар, 43 фоизи эса инвестиция даромадлари ҳисобига таъминланди.

Жамғарма маблағларининг асосий қисми давлат қимматли қоғозлари (77,9%) ва банклар депозитларига (20%) жойлаштирилди. Инвестицион фаолият натижасида 960 млрд сўм даромад олинди.

Агентликни рақамли трансформация қилиш доирасида КОИСА гранти (350 минг доллар) ҳисобидан Бошқарув-ахборот тизими (MIS)ни ишлаб чиқиш ишлари бошланди. Жаҳон банки экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган “Йўл харита”си доирасида институционал салоҳиятни мустақамлаш ва фаолиятни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш чоралари амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, 2025 йилда амалга оширилган ислохотлар омонатларни кафолатлаш тизимининг институционал асосларини мустақамлаб, унинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий имкониятларни кенгайтириш

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда бизнесни молиялаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида қатор янги институтлар ташкил этилди.

Хусусан, “микромолия ташкилоти — микромолия банки — тижорат банки” занжирини боғловчи бўғин сифатида микромолия банки институти жорий этилди. Микромолия банклари белгиланган чекловларни инобатга

олган ҳолда банк фаолиятини (*кредитларни 5 млрд сўмдан ошмаган миқдорда ажратишни, жисмоний шахслардан омонатларни кафолатланган миқдор доирасида жалб қилишни*) амалга оширади.

Шунингдек, банк кредитларига муқобил бўлган молиялаштиришни амалга оширувчи факторинг ташкилотларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Факторинг ташкилотлари пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш фаолияти билан шуғулланади.

Бундан ташқари, кафолатлар бериш ташкилоти институти жорий этилди. Мазкур ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит ташкилотлари олдидаги пул мажбуриятларини бажариш бўйича кафолатлар (*кафилликлар*) бериш фаолиятини профессионал асосда амалга оширади.

Банкларни санация қилиш

2025 йилда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, жумладан пруденциал назорат ҳамда макропруденциал сиёсат воситаларини такомиллаштириш билан бир қаторда, банклардаги тўловга қобилиятсизлик ҳолатининг молиявий барқарорликка салбий таъсирини камайтириш механизмларини яратиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Хусусан, илғор хорижий амалиёт ҳамда Молиявий барқарорлик кенгаши (МБК) стандартларига асосланган “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-1070-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан банкларни санация қилиш мақсадлари ва тамойиллари, санация қилиш воситалари, санация қилишни молиялаштириш механизмлари, Марказий банкнинг санация қилиш бўйича ваколатлари, Молиявий барқарорлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ қоидалар, шунингдек банкларни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистонда исломий банк фаолияти учун ҳуқуқий асос яратиш

Ўзбекистонда банклар томонидан исломий молия хизматларини кўрсатишга ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Марказий банк томонидан маҳаллий ва хорижий экспертлар билан биргаликда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонунда исломий банк фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилаш, Марказий банк ва тижорат банкларида исломий молия кенгашларини ташкил қилиш, исломий молия стандартларини жорий қилиш, банклар томонидан амалга ошириладиган исломий молия операцияларини белгилаб бериш, исломий молия хизматларини солиққа тортиш ва исломий банк фаолиятини тартибга солишга қаратилган бошқа қоидалар назарда тутилган.

Насия савдо бозори иштирокчиларини тартибга солиш

Ҳисобот йилида Ўзбекистонда насия савдо (*BNPL*) бозори иштирокчиларини тартибга солиш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга ошириш бошланди.

Насия савдо хизматларини лицензия асосида амалга ошириш, шунингдек соҳани тартибга солувчи қонунчилик талабларини халқаро тажриба асосида ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Марказий банк томонидан KPMG аудиторлик ташкилоти вакиллари модераторлигида насия савдо бозорини тартибга солишда самарали назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида бозор иштирокчилари, тижорат банклари, микромолия ташкилотлари, кредит бюrolари ҳамда бошқа манфаатдор томонлар иштирокида давра суҳбатлари ва ўрганишлар ўтказиб борилмоқда.

Муҳокамалар натижасида бозорни дастлаб “енгиллаштирилган” назорат механизмлари орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу асосда хорижий тажриба, хусусан Сингапур амалиёти ўрганилиб, Ўзбекистон ФинТех Ассоциацияси ва бозор иштирокчилари ҳамкорлигида насия савдо бозори учун ўзини ўзи назорат қилиш механизми — Этика кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, насия савдо бозори иштирокчиларини тартибга солиш ва назорат қилишда биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Насия савдо

хизматлари бозори иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Тўлов тизимлари операторлари ва ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан:

– тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши ҳамда устав капиталнинг энг кам миқдорларига етказиш борасида тегишли ишлар олиб борилди;

– тўлов хизматларини кўрсатиш давомида юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдини олиш ва бошқаришни ташкил этиш мақсадида лицензия даъвогарни томонидан антифрод тизими тавсифи тақдим этилиши қайд этилди;

– Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгиланган вазифаларни реализация қилиш мақсадида “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ва белгиланган тартибда Олий мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди.

Микромолия банклари ва ташкилотларини назорат қилиш

Осиё тараққиёт банкининг “Инклюзив молия секторини ривожлантириш дастури”га асосан техник кўмак доирасида халқаро эксперт жалб қилиниб, “Микромолия банклари учун таваккалчиликка асосланган назорат қўлланмаси” ишлаб чиқилди.

Мазкур қўлланма таваккалчиликка асосланган назоратнинг умумий жиҳатларини ҳамда риск профили компонентларини баҳолаш жараёнларини ёритади. Хусусан, риск профили компонентлари, хусусан микромолия банки риск-профили, бизнес-моделли, капитали (*кредит, бозор, фоиз ва операцион таваккалчиликлар*), корпоратив бошқаруви, ликвидлилик таваккалчиликларини бошқариш тизимини баҳолаш босқичлари ва жараёнлари келтирилган.

Бундан ташқари, микромолия банклари учун пруденциал ҳисобот шакллари такомиллаштирилди. Янги ишлаб чиқилган ҳисобот шакллари “Микромолия банкларининг назоратига оид молиявий ҳисоботлари” (*23 та жадвал*), “Микромолия банкларининг назоратига оид молиявий ҳисоботларига баланс ҳисобварақлари ёйилмаси шакллари”ни (*14 та жадвал*) ўз ичига олади.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотлари фаолиятига оид 12 та янги молиявий ва назоратга оид ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди.

Қўшимча тартиблар

Шартли депонентлаш (*эскроу*) операцияларини амалга ошириш учун бундай ҳисобварақларни очиш, шунингдек, IT-Park резиденти бўлган, таъсисчиси норезидент бўлган юридик шахсларга шунингдек, уларнинг норезидент мутахассисларига қулайлик яратиш мақсадида уларга банк ҳисобварақлари масофадан туриб очиш имконияти яратилди ва ушбу ҳолатлар “Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”га киритилди.

Бундан ташқари, ушбу йўриқномага мувофиқ, 14 ёшгача бўлган шахслар номига миллий ва чет эл валютасида депозит ҳамда металл ҳисобварақларини қонуний вакиллари орқали очиш, 14-18 ёшли шахсларга эса ҳисобварақларни мустақил равишда очиш тартиби жорий этилди.

Факторинг ва кафолатлар бериш ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби белгиланиб, “Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”да киритилди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга банк ҳисобварақларида қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда ҳам коммунал хизматлар (*электр энергияси, газ*) учун тўловларни навбатдан ташқари тартибда амалга ошириш имконияти яратилди.

Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга корпоратив (*бизнес*) картани жорий қилиш, шартли депонентлаш

(*эскроу*) операцияларини амалга ошириш янги ҳисобварақлар “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси” киритилди.

Кибержиноятларнинг олдини олиш мақсадида, жисмоний шахсларга очилган банк карталарини Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида ҳисобга олиниши йўлга қўйилди ва келгусида жисмоний шахсларнинг ўзларининг ҳисобварақлари ва карталари тўғрисидаги маълумотларни олишига замин яратилди.

Назорат

2025 йилда Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган банкларга нисбатан айрим операцияларини тўхтатиш, жарима санкциялари ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Хусусан, 2025 йилда Марказий банк Банк назорати қўмитаси қарорларига асосан 34 та банк, 15 та микромолия ташкилоти ва 8 та ломбардга нисбатан жами 46 млрд сўм миқдорида жарималар қўлланилди.

Бунда, мазкур жарималарнинг:

– 12,9 млрд сўми ёки 28 фоизи иқтисодий меъёрлар талаблари бажарилмаганлиги учун (*26 та банк ва 13 та нобанк кредит ташкилотларига нисбатан*);

– 20,2 млрд сўми ёки 43,5 фоизи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ўрнатилган талаблар бузилганлиги учун (*23 та банк ва 8 та нобанк кредит ташкилотига нисбатан*);

– 9,6 млрд сўми ёки 21 фоизи банклар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги учун (*33 та банк ва 1 та нобанк кредит ташкилотга нисбатан*);

– аниқланган қоидабузарликлар учун 2 та тўлов ташкилотларига тўлов хизматларининг ва (*ёки*) операцияларнинг айрим турларини амалга оширишни, жумладан, электрон шаклдаги тўловларга ишлов бериш ва тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни банкка бериш ёки мазкур тўловлар бўйича пул маблағларини қабул қилиш ва пул ўтказмалари тизими орқали пул маблағларини қабул қилиш ва амалга ошириш 2025 йил 13 ноябрдан бошлаб олти ой муддатга чекланди;

– 3,3 млрд сўми ёки 7,2 фоизи валюта соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилиши, киберхавфсизлик ва трансчегаравий операциялар бўйича талабларга риоя этмаслик, Марказий банкка ҳаққоний бўлмаган (*нотўғри*) маълумотлар тақдим этиш ҳамда банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари бузилиши учун (*12 та банкка нисбатан*) ундирилган.

Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари таъминланмаганлиги, валюта мавқеига ўрнатилган меъёрларга риоя қилинмаганлиги ҳамда Марказий банк Бошқаруви томонидан ўрнатилган талаблар бузилиши сабабли 30 та банкларга, 1 та микромолия ташкилотига ва 21 та тўлов ташкилотларига ҳамда 3 та тўлов операторларига нисбатан огоҳлантириш таъсир чоралари қўлланилди.

Келгуси йиллар учун асосий йўналишлар

Келгуси йилларда банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва молиявий сектор бардошлилигини оширишга қаратилган чоралар давом эттирилади. Хусусан, рискка асосланган банк назоратини янада такомиллаштириш, молиявий институтлар фаолиятида рискларни эрта аниқлаш ва мониторинг қилиш механизмларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, молиявий барқарорликни таъминлаш ва банк тизими чидамлилигини ошириш мақсадида халқаро стандартлар, жумладан Базель III тамойилларини тўлиқ жорий этиш бўйича чоралар кўрилади.

Ўз навбатида, 2026 йилда 2026–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилинади.

Шу билан бирга, молиявий секторда давлат улушини қисқартириш, банк тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш ҳамда молиявий барқарорликка таҳдид солувчи тизимли рискларни мунтазам баҳолаб бориш ишлари кучайтирилади. Халқаро молиявий секторни баҳолаш дастурлари (*FSAP*) доирасида берилган тавсияларни амалга оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

V. ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

2025 йилда Марказий банк томонидан тўлов тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини оширишга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Марказий банкнинг тўлов тизимлари

Банклараро тўлов тизими

2025 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2024 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошиб, 11 375 трлн сўмни ташкил этди. Тизим орқали бир кунлик ўртача транзакциялар ҳажми 2024 йилдаги 29,2 трлн сўмдан 45,3 трлн сўмгача кўпайди.

Банклараро тўлов тизимида транзакциялар ҳажмининг ўсиши иқтисодиётни молиялаштириш, инвестицион фаоллик ҳамда пул бозори операциялари кенгайиши билан боғлиқ бўлди.

2025 йилда ушбу тўлов тизимининг иштирокчилари сони 38 тани ташкил этди.

Қўшимча бир соатлик режим (17:00–18:00) доирасида тижорат банклари ўртасида ҳамда Марказий банк иштирокида пул бозори ва пул-кредит операциялари ўтказилиб, банklar ликвидлигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

Шунингдек, ягона банк коди (МФО) технологияси асосида фаолият юритувчи банklar сони 21 тага етди.

Ҳисобот йилида тўлов тизимининг барқарор ишлаши таъминланиб, иштирокчиларнинг электрон тўловлари белгиланган тартибда ўз вақтида амалга оширилди.

Ҳисоб-китоблар клиринг тизими

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини реал вақт режимида ўтказишга ихтисослашган Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими фаолиятининг узлуксизлиги таъминланди.

2025 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 126,5 трлн сўмни (+26%), транзакциялар сони эса 143,5 млн дан ортиқни ташкил этди (+17%).

Шу билан бирга, мазкур тизим орқали товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар рўйхатини кенгайтириш, мижозлар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи идора ва ташкилотлар (*хизматлар тақдим этувчилар*) сони ҳисобот йилида 6 тага кўпайиб, 50 тадан ортиди. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси (*хаж ва умра тўловлари*), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (*ижтимоий тўловлар*),

Агросаноатни рақамлаштириш маркази (*агросаноат хизматлари тўловлари*), Божхона қўмитасининг давлат чегарасидаги электрон навбатлар хизматлари учун тўловлар ва бошқа ташкилотларнинг ушбу тизимига уланиши таъминланди.

Тўлов хизматлари бозорида аҳоли учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган, воситачилик ҳақини аҳолидан эмас, маблағ олувчилар (*бенефициарлар*) ҳисобидан ундириш механизми⁶ самарали ишлаб келмоқда.

2025 йил давомида жами 106,5 млн дан ортиқ тўловлар бўйича қарийб 261,7 млрд сўм (+43%) маблағлар тўлов хизмати учун воситачилик ҳақи (*комиссия*) тарзида банклар ва бошқа тўлов хизматларини етказиб берувчиларга тўлаб берилди. Натижада аҳолининг коммунал тўловлар, давлат божлари ва жарималар, давлат хизматлари тўловлари ҳамда бошқа чакана

тўловлари бўйича ушбу миқдордаги воситачилик ҳақини тўлаши билан боғлиқ харажатлари иқтисод қилинди.


Тезкор тўловлар тизими

Ҳисобот йилида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун “24/7” режимида онлайн амалга ошириш имконини берувчи Марказий банк Тезкор тўловлар тизимининг барқарор фаолияти таъминланди.


2025 йилда тизим орқали амалга оширилган транзакциялар сони ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ошиб 61 млн тани, тўловлар ҳажми эса 51 фоизга ошиб 1 390 трлн сўмни ташкил этди. Тизимдан фойдаланишнинг кенгайиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар тўлов ҳужжатларининг 95 фоизи масофадан амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган транзакцияларнинг 33 фоизи кечки ва тунги вақт ҳиссасига тўғри келди.


5.1-расм. Банклараро тўлов тизими орқали транзакциялар ҳажми



5.2-расм. Ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали транзакциялар



5.3-расм. Тезкор тўловлар тизими орқали транзакциялар



Манба: Марказий банк

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 мартдаги “Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида” ПҚ-88-сонли Қарори.

Ғазначилик (*харажатларини, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларни банк иш кунига боғлиқ бўлмаган ҳолда*) ва Марказий банк тизимида хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар тўловларини 24/7 режимда Тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилиши натижасида тизим орқали ўтказилаётган амалиётлар кўламини ошириб бормоқда.

Хусусан, 2025 йилда Ғазначилик тизимидаги бюджет ташкилотларидан ва Марказий банк тизимидаги корхоналар томонидан 191,7 трлн сўмлик (+68%) тўловлар амалга оширилди.

Молиявий технологиялар ва тўлов ташкилотлари фаолияти

2025 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида банк карталарига асосланган чакана тўлов инфратузилмасини кенгайтириш ва унинг самарали ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши банк карталарига бўлган талабнинг ортиши билан кечиши кузатилмоқда. Хусусан, 2025 йилда муомаладаги банк карталари сони 68,2 млн донага (+10%) етди. Кобейжинг банк карталари⁷ сони 1,4 баробарга ошиб, 6,5 млн донани ташкил этди.

430 мингта тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми 1,4 баробарга ўсиб, 460,3 трлн сўмга етди.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайликлар яратиш мақсадида банк инфратузилмалари ҳамда туризм объектларига ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони ҳисобот йилида 34 фоизга ошиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига 40 мингдан ортиқни ташкил этди.

Ўз навбатида, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаларининг (*банкомат, инфокиоск ва автоматлаштирилган депозит машиналарини*) туристик массивлар, йирик инфратузилма марказлари ва бошқа муҳим ижтимоий инфратузилма объектларида ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилди.

“НУМО” ва “Uzcard” тўлов тизимлари банкомат тармоқларининг ўзаро интеграция қилиниши банк карталари фойдаланувчилари учун инфратузилмадан муқобил фойдаланиш имкониятини бермоқда. Ҳисобот йилида, банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 344 трлн сўмни, транзакциялар сони эса 291,8 млн тани ташкил этди.

Мобил тўловлар

2025 йилда банкларнинг мобил иловалари орқали жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган онлайн операциялар ҳажми 1,6 баробарга ошиб, 645,6 трлн сўмни ташкил этди (5.4-расм).

⁷ Республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи банк картаси.

Шу жумладан, онлайн депозит операциялари ҳажми 99,3 трлн сўм, онлайн конверсия амалиётлари — 55,8 трлн сўм, онлайн микроқарзлар — 38,6 трлн сўм ва кредитларни сўндириш — 46,7 трлн сўмни ташкил этди.

Аҳоли учун базавий банк хизматларини (омонат ва конверсия амалиётлари, микроқарз олиш, банк картасига буюртма бериш, идентификациядан ўтиш) онлайн режимда бажариш имконияти, тадбиркорлик субъектлари учун эса тўловларни ҳисоб-китоб терминалларида ташқари QR-код, NFC ва бошқа контактсиз тўлов технологияларини қўллаган ҳолда қабул қилиш хизматлари кўлами кенгайтириб борилди.

Хусусан, 2025 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони қарийб 139 минг донага етказилиб, унда


амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2024 йилга нисбатан қарийб 1,4 баробарга ортди (5.5-расм).

Шу билан бирга, контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “НУМО РАУ” дастури орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар учун тўловларни амалга ошириш хизмати 20 та банкнинг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.


Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone⁸ хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 2026 йил 1 январь ҳолатига қарийб 4,1 минг тага етди.

2025 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2024 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 61,1 трлн сўмни ташкил этди.

5.4-расм. Мобил иловалар орқали амалга оширилган транзакциялар, трлн сўмда



5.5-расм. QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар



Манба: Марказий банк

⁸ Тўлов терминали каби тўлов қабул қилиш имконини беради

2025 йилда тўлов ташкилотлари орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 412,4 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 24 фоизга ошди. Жисмоний шахслар томонидан асосан коммунал хизматлар (24,7 трлн сўм), давлат хизматлари (16,7 трлн сўм), бюджет ва солиқ тўловлари (11,8 трлн сўм), мобил алоқа хизматлари (11,2 трлн сўм) ҳамда кредит тўловлари (10,4 трлн сўм) амалга оширилди.

Электрон пуллар

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланишига хизмат қилиб, фойдаланувчилар учун тўлов хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

2026 йил 1 январь ҳолатига электрон пуллар тизимлари сони 12 тани ташкил этиб, электрон ҳамёнлар сони 24,8 млн тага (+20%) етди.

Электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2024 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошиб 24,6 млн тани, транзакциялар ҳажми эса 1,2 трлн сўмни ташкил этди.

Электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 89 фоизи тадбиркорлик субъектларига товар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларга ҳамда 11 фоизи жисмоний шахсларга маблағ ўтказишга йўналтирилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 28 фоизи коммунал хизматлар, 19 фоизи мобил оператор хизматлари, 18 фоизи давлат ва солиқ хизматлари учун тўловлар, 8 фоизи жойда харидлар учун тўловлар,

6 фоизи кредит сўндиришга йўналтирилган тўловлар ва бошқа хизматлар учун ўтказилган тўловларни ташкил этади.

Аҳоли учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида харид билан бир вақтда банк карталари орқали нақд пул олиш хизмати виртуал касса тармоғи билан таъминланган “Paynet” АЖнинг республика бўйлаб барча ҳудудлардаги тўлов агентлари томонидан “тартибга солиш қумдони” доирасида кўрсатилишига рухсат берилди. 2025 йилда “Paynet” АЖ тўлов ташкилотининг тўлов агентлари орқали 1,2 трлн сўмлик (1,8 млн та транзакция) нақд пул маблағларини бериш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Келгуси йиллар учун асосий йўналишлар

Келгуси йилларда тўлов тизимларини ривожлантириш ва уларнинг хавфсиз ҳамда узлуксиз фаолиятини таъминлашга қаратилган чоралар давом эттирилади. Бунда тўлов инфратузилмасини модернизация қилиш ва молиявий технологияларни ривожлантириш, нақдсиз ҳисоб-китоблар улушини ошириш, киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда Марказий банк рақамли валютасини жорий этиш имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

VI. ТАДҚИҚОТЛАР, ТАҲЛИЛ ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ БОШҚАРИШ

Марказий банкда таҳлил ва тадқиқотлар

Тадқиқот майдони

Ҳисобот йилида иқтисодиёт, молия, давлат сиёсати ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги илмий ва амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи, ҳамкорлик, мулоқот ва билим алмашувига асосланган, очиқ интеллектуал муҳитни яратиш мақсадида “Тадқиқот майдони” Концепцияси ишлаб чиқилди.

Майдон фаолияти орқали амалий аҳамиятга эга муаммоларни тадқиқ этиш, улар бўйича ечим таклифларини шакллантириш ҳамда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини илмий ёндашув ва тадқиқот натижалари билан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Майдоннинг асосий форматлари — бу академик доиралар билан қўшма тадқиқотлар, тадқиқот грантлари ва стипендия дастурлари, ёшлар учун “Марказий банк танлови” ҳамда илмий конференциялардир.

2025 йилда Марказий банк Тошкендаги Халқаро Вестминстер университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ўзаро англашув меморандумини имзолади.

2025 йил декабрь ойида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида макроиқтисодий таҳлил,

прогнозлаштириш ва пул-кредит сиёсатини тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган республика миқёсидаги “Марказий банк танлови” (CBU Challenge) мусобақасига старт берилди.

Республиканинг 33 та олий таълим муассасасидан 3–4-босқич бакалавр ва магистрантлардан иборат 4–5 нафарлик жами 131 та жамоа танловда иштирок этди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк ҳузурида хорижий ва маҳаллий молия институтлари ҳамда университетларда илмий фаолият юритаётган экспертлар ва профессорлардан иборат бўлган Тадқиқот кенгаши ташкил этилди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг ҳар икки йиллик тадқиқотлар дастурини эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур тўплам Марказий банкнинг асосий вазибалари, стратегик мақсадлари ҳамда устувор тадқиқот йўналишлари, мамлакатда амалга оширилаётган умумий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари, глобал иқтисодий, молиявий ва технологик тенденциялар ҳамда молия-иқтисод соҳасидаги долзарб муаммолар ва янги феноменларни қамраб олувчи мавзулар жой олган.

Марказий банк веб-сайтида алоҳида “Тадқиқотлар” бўлими очилиб, у ерда Тадқиқот кенгаши, Тадқиқотлар дастури, қўшма тадқиқотлар ва Тадқиқот майдонининг бошқа йўналишлари тўғрисида маълумот берилиб бормоқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар

2025 йилда жами 20 та тадқиқот иши амалга оширилди. Шундан 9 таси Марказий банк веб-сайтида эълон қилиниб, тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Амалга оширилган тадқиқотлар инфляция ва нархлар, молия бозори, ташқи иқтисодий фаолият ва глобал иқтисодиёт, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ҳамда норасмий каби йўналишларни қамраб олди. Мазкур тадқиқотлар хулосалари пул-кредит, валюта, банк назорати сиёсатлари бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилмоқда.

Хусусан, нархлар ва инфляцион омиллар йўналишида фармацевтика, нон, сут, гўшт ва картошка маҳсулотлари бозорларида нарх шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ўрганилди. Таҳлилда хомашё нархлари, логистика ва инфратузилма харажатлари, рақобат муҳити ҳамда давлат тартибга солиш чораларининг таъсири баҳоланиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, кредитлар муддатларининг инфляция динамикасига таъсири таҳлил қилиниб, қисқа муддатли кредитларнинг инфляцияга эҳтимолий босими аниқланди.

Молиявий барқарорлик йўналишида:

– “Кредит хатарларини камайтиришда қўлланиладиган макропруденциал чоралар: давлатлар тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари” мавзусидаги тадқиқотда турли мамлакатларда кредит рискларини чеклаш учун қўлланиладиган макропруденциал инструментлар таҳлил қилиниб, уларнинг Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳамда молиявий барқарорликка таъсири баҳоланди;

– “Ўзбекистонда насия бозори таҳлили: ушбу хизматлар ҳақиқатдан ҳам фоизсизми?” мавзусидаги тадқиқотда насия савдоси бозорининг ҳолати ва фаолият юритиш механизми таҳлил қилиниб, ушбу сегментни тартибга солиш бўйича халқаро тажриба ўрганилди.

Реал сектор йўналишида:

– иқтисодиётга ажратилган молиявий ресурсларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши самарадорлиги ҳамда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланди;

– “Ўзбекистон уй-жой бозори таҳлили: кутилма ва хатарлар” мавзусидаги тадқиқотда уй-жой бозорининг динамикаси, нархлар ўсиши ва ипотека кредитлашнинг роли ўрганилди. Шунингдек, бозордаги потенциал макроиқтисодий хатарлар таҳлил қилинди.

Яширин иқтисодиёт ва меҳнат бозори йўналишида:

– тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси истеъмоли маълумотлари асосида норасмий иқтисодиёт кўлами муқобил усулда баҳоланди;

– БМТ Тараққиёт дастури ва Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда норасмий бандлик” мавзусида қўшма тадқиқот амалга оширилиб, унда норасмий бандлик даражаси ва унинг асосий омиллари таҳлил қилинди ҳамда олинган хулосалар бўйича тегишли ташкилотлар билан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, расмий статистикага муқобил тезкор маълумотларни олиш мақсадида реал сектор корхоналари ўртасида сўровлар ўтказилиб, “Иқтисодий фаоллик индекси” ва “Иқтисодий кутилмалар индекси” шакллантириб борилди.

Маълумотларни бошқариш ва улар билан ишлаш

Пул-кредит ва молиявий статистика

Ҳисобот йилида пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш амалиётини энг сўнгги халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳамда эълон қилинадиган статистик маълумотларнинг сифати ва кўламини ошириш чоралари кўриб борилди.

Хусусан, ХВЖнинг “Давлат улуши мавжуд молиявий корхоналарнинг давлат секторига таснифлаш” мавзусидаги техник миссияси (онлайн) доирасида пул-кредит ва молиявий статистикасида қамраб олинган 378 та молиявий ташкилотнинг секторал таснифи энг сўнгги халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқилди. Олинган тавсиялар молиявий статистикани шакллантириш амалиётига тўлиқ жорий қилинди.

Шунингдек, Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда банк бўлмаган молиявий ташкилотлар томонидан “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни шакллантириш учун тақдим этиладиган чораклик ҳисоботларни қабул қилишга мўлжалланган ягона марказлашган платформа яратилди.

Мазкур платформага кириш One ID тизими орқали амалга оширилиб, ҳисоботларни дастлабки назоратдан ўтказувчи мантиқий амаллар ва аномалияни текшириш операциялари жорий қилинди.

Бундан ташқари, фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилишларида зарур бўлган янги турдаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг Статистик бюллетени ҳам такомиллаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, уларнинг 93 фоизга яқини Марказий банк томонидан эълон қилинадиган иқтисодий кўрсаткичлар ва таҳлилий шарҳларни кузатиб боради. Тадбиркорлар учун бизнес қарорлар қабул қилишда энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар сифатида инфляция даражаси (27,9%), кредит фоиз ставкалари (15,1%) ва валюта алмашув курси (13,6%) қайд этилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини иқтисодиётда шаклланган фоиз ставкалари ва уларнинг динамикаси ҳақида тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш мақсадида депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ҳисоблаш методологияси такомиллаштирилди.

Хусусан, кредитлар ва депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари билан бир қаторда реал фоиз ставкаларини ойлик ҳисоблаш ва Марказий банкнинг веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларида эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк бўлмаган молиявий ташкилотларнинг барқарор ўсиб бораётган молиявий активлари, капитал базаси ва иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ҳамда уларнинг молия тизимидаги роли мустақамланиб бораётганлигини тизимли равишда ёритиш мақсадида янги “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни (*банк бўлмаган молиявий ташкилотлар шарҳи*) даврий равишда эълон қилиб борилмоқда.

Ташқи сектор статистикаси

Ҳисобот йилида ташқи сектор статистикасини шакллантиришни такомиллаштириш мақсадида Миллий статистика қўмитаси билан ҳамкорликда Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмак миссияси жалб қилинди. Миссия доирасида ташқи савдо ва халқаро инвестициялар бўйича маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва эълон қилиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан Корея банкининг ўзаро билимлар алмашинуви дастури (*Knowledge Partnership Program — KPP*) доирасида Кореянинг Хонгик ва Донгук университетлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ташқи сектори

кўрсаткичлари асосида “Ўзбекистонда тўлов баланси динамикаси: асосий белгиловчи омиллар, тизимли хатарларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг кенг қамровли таҳлили” мавзусида қўшма илмий-тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот доирасида сўнгги ўн йилда Ўзбекистон ташқи секторида кузатилган ўзгаришлар комплекс ва тизимли равишда таҳлил қилинди, жорий операциялар ҳисоби номутаносибликларининг иқтисодий моҳияти баҳоланди ҳамда тўлов баланси билан боғлиқ хатарларни олдини олиш бўйича, жумладан Корея тажрибасига таянган ҳолда, иқтисодий сиёсатга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумотларни бошқариш

Марказий банкда назорат технологияларини (*SupTech*) жорий этиш мақсадида маълумотларни марказлашган ҳолда бошқаришни таъминловчи ADR таҳлилий ахборот тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда “Марказий банкнинг ADR таҳлилий ахборот тизимини жорий қилиш бўйича техник топшириқ” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жаҳон банки экспертларининг тавсиялари, хорижий тажриба ҳамда бозор таҳлили натижаларига таянган ҳолда такомиллаштирилган техник топшириқ лойиҳаси тасдиқланди ҳамда тегишли ташкилотлардан ижобий хулосалар олинди.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг назорат остидаги ташкилотларида статистик, молиявий ва назорат ҳисоботларини йиғишнинг янги форматига ўтиш доирасида маълумотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва маълумотлар сифатини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Хорижий тажриба ва экспертлар тавсиялари асосида ҳар бир банкда маълумотларни бошқариш бўйича бош директор (*CDO*) лавозими жорий этилиб, унга асосий вазифа ва малака талаблари белгиланди.

Шунингдек, Марказий банкда статистик, молиявий ва назоратга доир таҳлилий салоҳиятни ошириш мақсадида “Qlik Sense” BI бизнес-таҳлилий воситаси амалиётга татбиқ этилди.

Кредит ахборотининг давлат реестри ва кредит бюрolari фаолияти

Кредит ахбороти алмашинуви тизими Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри, “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси (*KATM*) ҳамда “CRIF Кредит-ахборот хизматлари” кредит бюрolarини қамраб олади.

Кредит ахборотининг давлат реестрида тижорат банкларига кредит (*лизинг, факторинг ва банк кафолатлари*) бўйича келиб тушган буюртмалар, тузилган битимлар ва улар бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар жамланади.

2026 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони 2025 йил бошига

нисбатан 22,8 фоизга ошиб, 9,2 млн та, қарздорлар сони эса 11,6 фоизга ўсиб, 5,5 млн нафардан ошди.

2026 йил бошига қарздорлар таркибининг 94,2 фоизини жисмоний шахслар, 5,8 фоизини эса юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этди. Жисмоний шахс қарздорларининг 54,5 фоизи эркаклар, 45,5 фоизи аёллардан иборат (6.1-расм).

Қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони кредит турлари бўйича таснифланганда, ўтган йилга нисбатан кредит карталари сони 1,4 баробарга, микроқарзлар сони 30,3 фоизга, таълим кредитлари сони 14,2 фоизга, микрокредитлар сони 11,2 фоизга ва ипотека кредитлари сони 8,9 фоизга кўпайган (6.2-расм).

2025 йилда Кредит реестри маълумотлари аккредитивлар ва факторинг операциялари бўйича қўшимча маълумотлар билан кенгайтирилди. Шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари (*микромолия ташкилотлари ва ломбардлар*) бўйича кредит портфели, ажратилган ва сўндирилган кредитлар ҳамда қарз юки кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботларни автоматик шакллантириш механизми жорий этилди.

Маълумотлар сифатини таъминлаш мақсадида кредит ахбороти инвентаризация қилиниб, аниқланган хатоликлар тижорат банклари билан ҳамкорликда бартараф этилди. Шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлардаги

хатоликларни камайтириш учун мантиқий назорат механизмлари ишлаб чиқилиб, дастурий таъминотга жорий қилинди.


2026 йил 1 январь ҳолатига КАТМ кредит бюроси базасида кредит ахбороти субъектларига (*жисмоний ва юридик шахслар*) оид маълумотлар сони 16,7 млн тани ташкил этиб, шундан 16,1 млн таси жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2025 йилда кредит ахбороти алмашинуви бўйича шартнома тузган фойдаланувчилар (*тижорат банклари, микромолия, ломбард, лизинг, суғурта ва ретейл ташкилотлар*) сони 72 тага ошиб, 845 тага, кредит ахборотини етказиб берувчилар сони эса 71 тага кўпайиб, 848 тага етди.


КАТМ кредит бюроси томонидан банк ва нобанк ташкилотларга 65 турдаги кредит ҳисоботлари ва хизматлар тақдим этилмоқда. Шундан 15 таси бюронинг ички хизматлари, 50 таси эса вазирлик ва идоралар маълумотларига асосланган ташқи сервислар бўлиб, улар асосан “Рақамли ҳукумат” платформаси орқали тақдим этилади.

2025 йил давомида банк ва нобанк ташкилотлар томонидан КАТМ кредит бюросидан жами 177,6 млн та кредит ҳисоботлари олинган бўлиб, шундан 79,2 фоизи тижорат банклари, 19,5 фоизи нобанк кредит ташкилотлар (*микромолия, ломбард, лизинг, суғурта, ретейл ташкилотлар ва бошқалар*) ва 1,3 фоизи жисмоний ва юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

6.1-расм. Кредит қарздорлиги мавжуд жисмоний шахслар сони, минг нафарда



6.2-расм. Жисмоний шахсларнинг амалдаги кредит битимлари улуши, фоизда



КАТМ кредит бюроси томонидан кредит ҳисоботлари оммабоплигини ошириш ва фойдаланувчилар учун қулайликларни кенгайтириш мақсадида 2025 йилда:

- кредит тарихини шакллантириш механизми такомиллаштирилди. Янги тартибга кўра, кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилган санадан кейин кредит ахбороти 5 йил сақланиши белгиланди;
- “Кредитга тақиқ” хизмати жорий қилиниб, фуқароларга ўз номига кредит расмийлаштиришни тақиқлаш ёки бекор қилиш имконияти веб-сайт, мобил илова, my.gov.uz портали ва Давлат хизматлари марказлари орқали бепул тақдим этилди⁹;
- амалдаги хизматлар негизида “Кредит мониторинги” хизмати жорий этилди;
- қарздорнинг амалдаги кредитлари, қарз қолдиқлари ва ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган “Ҳисоб рақамлар бўйича кредит ҳисоботи” амалиётга татбиқ этилди;
- кредит ҳисоботлари ҳаққонийлигини тасдиқловчи QR-код тизими жорий қилинди;
- КАТМ кредит бюросининг расмий Telegram-боти ишга туширилди.

Гаров реестри

Гаров реестри тизими молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда кредиторларнинг мулкка нисбатан талаб ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳисобот йилида реестр фаолиятини такомиллаштириш доирасида:

- Марказий банкнинг ликвидлик операциялари бўйича гаровга олинган активлар учун тегишли платформалар интеграция қилиниб, гаров реестрига автоматик ёзув киритиш механизми жорий этилди;
- электрон факторинг платформалари билан интеграция орқали ҳисоб-фактуралар бўйича маълумотлар киритиш ва қидириш имконияти яратилди;
- Олий суд ва Мажбурий ижро бюроси ахборот тизимлари орқали реестр хизматларидан фойдаланиш;
- фойдаланувчиларга веб-сайт орқали ёзувларни рўйхатдан ўтмасдан қидириш имконияти яратилди.

Ҳисобот йилида гаров реестри хизматларидан фойдаланиш кўлами сезиларли ошди. Жумладан, 2025 йилда реестрга 746,6 минг ёзув киритилиб, бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайди. Шунингдек, банклар ва кредит ташкилотлари томонидан “Нотариус” тизими орқали 675 мингдан ортиқ ҳолатда гаров мулкига тақиқ қўйиш ва ечиш хизматлари амалга оширилди.

⁹ Мазкур хизматни жорий этгани учун КАТМ кредит бюроси “ICTWeek Uzbekistan–2025” ҳафталиги доирасида “Ўзбекистонда 2025 йилнинг энг фойдали давлат хизматини жорий этган ташкилот” сифатида юксак эътироф этилди

2026 йил 1 январь ҳолатига реестрдаги актив ёзувлар сони 1,7 млн тани ташкил этди. Йил давомида 2 мингдан ортиқ ўзгартириш киритилиб, 326 мингдан ортиқ кўчирма тақдим этилди ва 450 мингга яқин ёзув реестрдан чиқарилди. Шунингдек, 2025 йилда 146 та янги фойдаланувчи рўйхатдан ўтиб, уларнинг умумий сони 2 060 тага етди.

Шу билан бирга, гаров муносабатларини такомиллаштириш ва тизимни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузуридаги Ишчи гуруҳ¹⁰ доирасида маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида гаровга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан муҳокамалар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банкнинг “Business Ready (*B-Ready*)” ҳисоботига кўра, 2025 йил якунлари бўйича гаров реестри фаолияти юқори баҳоланди.

Келгуси йиллар учун асосий йўналишлар

2026 йилда Марказий банкнинг тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича 2026–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинади. Тадқиқот кенгашига мустақил аъзолар жалб қилинади. Тадқиқот майдони доирасида ишлар фаоллаштирилиб, маҳаллий ва хорижий илмий ҳамкорлик кенгайтирилади.

Маълумотларни бошқариш соҳасида маълумотлар кўлами ва сифати оширилиб, бозор иштирокчилари ва инвесторлар учун зарур маълумотларнинг тақдим этилиши таъминланади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 июлдаги “Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-226-сон Қарори

VII. КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказий банкнинг коммуникацион сиёсати

Марказий банк коммуникация экотизимини ривожлантириш

2025 йилда Марказий банк коммуникация моделини модернизация қилиш ҳамда кенг жамоатчилик учун ахборотнинг очиқлиги ва тушунарлилигини оширишга қаратилган комплекс чораларни амалга оширди.

Хусусан, қуйидаги янги ёндашувлар жорий этилди:

- контентнинг янги форматлари — қисқа видеороликлар, Reels ва Bankcast видеоподкастлари йўлга қўйилди. Улар иқтисодий жараёнларни содда ва тушунарли тилда тушунтириш имконини берди;

- турли йўналишлар бўйича таҳлилий шарҳлар учун янгиланган ёндашув ишлаб чиқилди — материаллар визуал ва оммавий аудиторияга мослаштирилган форматда тақдим этила бошланди;

- ОАВ билан ҳамкорлик кучайтирилди. Хусусан, мунтазам ва тезкор брифинглар, соҳавий журналистлар пули ҳамда доимий мулоқот йўлга қўйилди;

- Янги коммуникация стратегияси ишлаб чиқилиб, сезгир ахборот ҳолатларига тезкор жавоб бериш учун махсус протоколлар жорий этилди;

- нашрларнинг ягона визуал услуби шакллантирилди — ранглар ва ахборот тақдимоти стандартлаштирилди;

- мураккаб маълумотларни янада тушунарли етказиш мақсадида инфографикалардан фаол фойдаланила бошланди;

- аудитория жалб этилишини ошириш учун қисқа видео форматлар ва визуал тушунтирувчи материаллар кенг қўлланилди.

Ушбу қадамлар рақамли каналларнинг барқарор ишлаши ва ягона ахборот маконини шакллантиришга мустаҳкам асос яратди ҳамда очиқлик, тезкорлик ва барча фойдаланувчи гуруҳлари учун тушунарлиликка асосланган яхлит коммуникация тизимига ўтиш имконини берди.

Таҳлилий материаллар бўйича ягона кўп тилли контент тўплами

Ҳисобот йилида таҳлилий материалларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш бўйича ягона стандартлаштирилган ёндашув жорий этилди. Тадқиқотлар, ҳисоботлар ва шарҳлар алоҳида ҳужжатлар сифатида эмас, балки турли аудиториялар эҳтиёжларига мослаштирилган ягона коммуникацион тўплам шаклида эълон қилина бошланди. Бу иқтисодий хулосаларни кенг жамоатчилик, бозор иштирокчилари ва халқаро экспертларга янада тушунарли форматда етказиш имконини берди.

Тўплам ўзаро боғланган ва аудиторияга йўналтирилган қуйидаги элементлардан иборат:

– Executive Summary (*асосий хулосаларнинг қисқа баёни*) — ишбилармон ва эксперт аудитория учун асосий натижалар ва хулосаларнинг қисқа баёни (*ўзбек ва инглиз тилларида*);

– пресс-релиз — ОАВ учун мўлжалланган бўлиб, унда асосий рақамлар, қисқа изоҳлар ва Марказий банкнинг расмий позициясини қамраб олган материал (*ўзбек ва инглиз тилларида*);

– веб-сайтдаги эълон (*тўлиқ версия ва қўшимча материаллар*) — барча фойдаланувчилар учун расмий ва бирламчи ахборот манбаи;

– Telegram-постлар — кенг аудиторияга асосий тезисларни тезкор етказиш ва веб-сайтга йўналтириш (*ўзбек тилида*);

– ижтимоий тармоқлар учун визуал материаллар (*карточкалар, инфографика, қисқа видеолар*) асосан Facebook ва Instagram орқали амалга оширилади (*ўзбек тилида*);

– LinkedIn ва X (*Twitter*) — халқаро профессионал аудиторияга (*инвесторлар, хорижий ОАВ ва таҳлилий марказлар*) материалларни тақдим этиш (*инглиз тилида*).

Натижада Марказий банк таҳлилий материалларни турли форматларда изчил тарқатиш тизимини жорий этиб, расмий ахборотдан фойдаланиш ва унинг иқтибос келтирилиш даражасини оширди ҳамда ишончли иқтисодий ахборот манбаи сифатидаги мавқеини мустаҳкамлади.

Фойдаланувчилар

2025 йил давомида Марказий банк фаолияти иқтисодиёт секторида энг кўп ёритилган йўналишлардан бири мақомини сақлаб қолди. Нашрларнинг ўртача ойлик ҳажми 400-600 та материални ташкил этди.

Ҳисобот йилида ахборот материалларини истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди. Хусусан, саҳифаларни кўришлар сони 8,8 млн тани (+29,7%), фойдаланиш (*сессиялар*) 5,4 млн тани (+31,7%), доимий фойдаланувчилар сони эса 2 млн тани (+15,1%) ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, трафик¹¹ манбалари диверсификацияланган бўлиб, асосий улуш қидирув тизимлари (3,7 млн) ва тўғридан-тўғри киришлар (1,2 млн) ҳиссасига тўғри келди. Ташқи ҳаволалар орқали ўтишлар 115,1 минг тани ташкил этди.

Пул-кредит сиёсати коммуникацияси

Самарали коммуникация аҳоли, бизнес ва молия бозори иштирокчиларининг инфляцион кутилмаларини инфляция даражасига яқин шаклланишини таъминлашга ҳаракат қилади ва шу орқали инфляцион кутилмаларга ўз таъсирини ўтказади.

Коммуникация сиёсати Марказий банк фаолиятининг шаффофлигини ошириш, пул-кредит сиёсатига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва унинг трансмиссиясини яхшилашга хизмат қилади.

¹¹ Трафик ахборот материалларига мурожаат қилаётган фойдаланувчилар оқими ва уларнинг ушбу ахборотга қайси манбалар орқали кирганини кўрсатади.

Шу мақсадда пул-кредит сиёсатига оид қарорлар ва режалар пресс-релизлар, таҳлилий материаллар, инфографикалар, шунингдек мунтазам пресс-брифинглар ва медиамулоқотлар орқали жамоатчиликка етказиб борилмоқда.

Жумладан, Пул-кредит сиёсати шарҳи, Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари инфографикаси, Меҳнат бозори, Кўчмас мулк бозори таҳлили, Истеъмол кайфияти, Бизнес кайфияти шарҳи, Пул бозори ва ликвидлик шарҳлари нашр этилди.

Шунингдек, халқаро тажриба асосида “Базавий инфляция ва уни баҳолаш усуллари” қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Инфляцион таргетлаш режимига ўтган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ, пул-кредит сиёсати коммуникацияси асосан истиқболга йўналтирилган (*forward-looking approach*) ёндашувга таянади ва инфляцион кутилмаларни бошқаришга қаратилган бўлади. Марказий банк ҳам ўз нашрларида макроиқтисодий прогнозлар ва уларга нисбатан пул-кредит сиёсатининг жавоб чоралари бўйича ахборот қамровини кенгайтириб бормоқда.

Шунингдек, бозор иштирокчилари ва кенг жамоатчилик билан коммуникацияни яхшилаш мақсадида эълон қилинаётган маълумотлар ҳажми ва сифати оширилиб, таргет аудитория қамрови кенгайтирилмоқда.

Марказий банк бошқарувининг асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича таянч йиғилишлари якуни бўйича ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар учун 3 та пресс-брифинглар ташкил этилди.

Шунингдек, департамент ходимлари томонидан пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари, инфляция ва кутилмалар ҳамда бошқа мавзулар доирасида ОАВ вакилларига интервьюлар берилди.

Халқаро тавсиялар ва илғор тажриба асосида Марказий банкнинг расмий веб-сайтидаги “Пул-кредит сиёсати” бўлими босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

2025 йилда иқтисодиёт ва банк-молия соҳаси бўйича олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари учун пул-кредит сиёсати мавзуларида 8 та ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ушбу ўзгаришлар, ўз навбатида, пул-кредит сиёсати очиқлигини яхшилаб, бозор иштирокчилари ва аҳолига пул-кредит сиёсати қарорларини яхшироқ тушунишга ва қарорлар қабул қилишда ҳисобга олишга имкон яратади.

Халқаро ҳамкорлик

Ҳисобот йилида мамлакатимизнинг иқтисодий нуфузини оширишда хорижий ҳамкорлар билан Марказий банкнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш юзасидан халқаро алоқалар ва ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Ҳисобот йилида халқаро молия институтлари, хорижий марказий банклар ва бошқа хорижий ташкилотлар билан қарийб 785 та (2024 йилга нисбатан 2 баробар кўп) турли даражадаги учрашувлар ўтказилди.

Халқаро молия институтлари ва халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик

2025 йилда пул-кредит сиёсати, банк назорати, тўлов тизимлари, халқаро захираларни бошқариш, молиявий барқарорлик ва макропруденциал сиёсат, молиявий саводхонлик ва оммабоплик, киберхавфсизлик ва ички аудит йўналишларини қамраб олган 18 та техник кўмак миссияси ҳамда 4 та консултатив ташриф (*ОТБ ва ЕТТБ иштирокида*) амалга оширилди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг Молия секторини баҳолаш дастури (*FSAP*) доирасида макропруденциал сиёсат, фоиз ставкалари, тўлов тизимлари, стресс-тестлаш, инқирозларни бошқариш ва капитал бозори масалалари муҳокама қилиниб, молиявий барқарорлик, молия секторини ривожлантириш ва банк назорати бўйича қатор таҳлилий ҳисоботлар тайёрланди.

ХВЖ Келишув моддаларининг IV моддаси миссиялари доирасида 2 та ташриф ўтказилиб, макроиқтисодий ҳолат, пул-кредит сиёсати, молиявий сектор барқарорлиги ва 2025–2026 йилларга оид прогнозлар муҳокама қилинди. Шунингдек, ХВЖ ва Жаҳон банкининг баҳорги ва йиллик йиғилишлари доирасида банк назоратини кучайтириш, санация механизмларини такомиллаштириш ҳамда янги техник кўмак дастурларини жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда инклюзив молия секторини ривожлантириш дастурининг 2-босқичи доирасида Марказий банк фаолиятига юклатилган жами 13 та ислохотлар амалга оширилди.

Шунингдек, Fitch, Moody's ва S&P Global рейтинг агентликлари билан мунтазам мулоқот йўлга қўйилиб, йил давомида 6 та маслаҳатлашув учрашуви ўтказилди.

Хорижий Марказий банклар ва халқаро интеграцион ташкилотлар билан ҳамкорлик

2025 йилда Марказий банк хорижий марказий банклар билан пул-кредит сиёсати, молиявий барқарорлик, киберхавфсизлик, тўлов тизимлари, молиявий мониторинг, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ахборот технологиялари йўналишларида мутахассислар даражасида тажриба алмашиш ишларини давом эттирди.

Хусусан, Россия, Туркия, Қозоғистон, Италия, Корея, Ирландия ва Польша марказий банкларига тажриба алмашув ташрифлари ташкил этилиб, Марказий банк мутахассисларининг билим ва кўникмалари оширилди. Корея, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Венгрия марказий банклари вакиллари иштирокида 8 та тажриба алмашинув тадбирлари Марказий банкда ўтказилди.

Минтақавий ҳамкорлик доирасида Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон марказий банкларининг тўлов тизимлари бўйича ишчи гуруҳи йиғилиши Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо Марказий банклари кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этилиб, пул-кредит сиёсати ва тўлов тизимлари йўналишларида иккита қўйи ишчи гуруҳ тузилди.

Бундан ташқари, Швейцария Миллий банки билан марказий банк рақамли валютаси, фавқулдда ликвидлик ёрдами ва кўчмас мулк бозорини баҳолаш масалалари бўйича техник кўмак жалб қилинишига келишилди.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик доирасида банк қонунчилигига оид масалалар бўйича ишчи мулоқотлар олиб борилиб, тегишли саволлар юзасидан расмий жавоблар тақдим этилди.

Бошқа халқаро муносабатлар

2025 йилда банк назорати ва финтех соҳаларида Хитой Молиявий тартибга солиш миллий бошқармаси, Халқаро молия корпорацияси, GFTN ва INCEIF билан жами 4 та халқаро ҳужжат имзоланди.

Марказий банк халқаро ташкилотларга аъзолик доирасида, жумладан Молиявий оммабоплик альянси (AFI), Халқаро молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти (FinCoNet), Базель Маслаҳатлашув гуруҳи (BCBS), Фишингга қарши гуруҳ (APWG), Ислом молиявий хизматлар Кенгаши (IFSB), Рискларни бошқариш бўйича халқаро ишчи гуруҳ (IORWG), Марказий банкларга икки томонлама ёрдам ва салоҳиятни ошириш (BCC) ҳамда Марказий банклар ва назорат органлари молиявий тизимининг экологик тозалигини ошириш ҳамжамияти (NGFS) билан ҳамкорлик ишларини давом эттирди, шунингдек ушбу ташкилотларнинг Ялпи мажлисларида раҳбарият ва эксперт даражасида иштирок этди.

Шунингдек, “CitiBank AS” (Туркия) шўъба банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси аккредитация қилинди, “J.P. Morgan Chase Bank”, “Landensbank Baden-Wurttemberg” ва “Shinhan Bank” ваколатхоналарининг аккредитация муддатлари узайтирилди.

VIII. МОЛИЯВИЙ ИНКЛЮЗИЯ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Молиявий хизматлар оммабоплиги ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Ҳисобот йилида молиявий оммабоплик ва молиявий саводхонликни ошириш бўйича комплекс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, молиявий оммабоплик йўналишида:

- жорий ҳолатни баҳолаш ва стратегик йўналишларни белгилаш;
- банк хизматлари билан қамраб олинмаган аҳолини жалб қилиш;
- аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш;
- банк агентлари ишини тизимлаштириш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш устида иш олиб борилди.

Молиявий саводхонлик бўйича:

- анъанавий тизимли лойиҳаларни давом эттириш;
- янги тематик лойиҳаларни ишга тушириш;
- мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга аҳамият қаратилди.

Тадқиқот, сўровнома ва бозор таҳлиллари

Ҳисобот йилида Марказий банк билан ҳамкорликда Осие тараққиёт банки

томонидан молиявий оммабоплик, молиявий саводхонлик ва тўлов тизими ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказилди.

Шунингдек, WB Fintech томонидан молиявий оммабоплик индикаторлари, IFC SME Finance Forum ва WB SME Enterprise томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликка оид тадқиқот натижалари эълон қилинди. McKinsey ва UNDP томонидан гендер масалалари, жумладан аёллар тадбиркорлиги бўйича мустақил ўрганишлар, Жаҳон банки томонидан қўшимча таҳлиллар амалга оширилди.

McKinsey, World Bank ва UNDP томонидан олиб борилган гендер тадқиқотлари аёллар тадбиркорлигида қатор тизимли тўсиқлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, аёллар тадбиркорлигидаги асосий тўсиқлар билим ва кўникмалар етишмаслиги (28–33%), мураббийлик ва ишбилармонлик алоқаларининг чекланганлиги (30%), рўзғор мажбуриятлари юкининг юқорилиги (48–60%) ҳамда молиялаштириш имкониятларининг етарли эмаслиги (38–41%) билан боғлиқ. Шунингдек, аёллар орасида бизнесни бошқаришда ўзига ишонч пастлиги ҳам сезиларли омил сифатида қайд этилган.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш тенденциялари ўрганилди. 2025 йил декабрь ҳолатига катта ёшли аҳолининг

82,4 фоизи банк ҳисобварақларига эга бўлиб, уларнинг 72 фоизи ҳисобварақларидан фаол фойдаланмоқда.

Банк омонатлари бозори таҳлиliga кўра, омонатларга эга катта ёшли аҳоли улуши йил бошига нисбатан 2 фоиз бандга ошиб, 14,7 фоизни ташкил этди. Омонатларнинг 57,2 фоизи 16–40 ёшли аҳоли ҳиссасига тўғри келиб, катта ёшли аҳолининг жамғариш маданияти сустлигини кўрсатмоқда. Гендер кесимида омонатларнинг 43,2 фоизи аёлларга тўғри келди.

Банк карталари бозори таҳлиliga кўра, банк карталари бозорида турли маҳсулотлар таклиф этилмоқда. Муомаладаги жами карталар сони 68 млн тани, банк картасига эга катта ёшли аҳоли эса 21,6 млн тани ташкил этди. Кредит карталари улуши ҳозирча 3 фоиз бўлиб, муддатли тўлов карталари фақат 4 та банк томонидан таклиф қилинмоқда.

Тадқиқот натижалари молиявий оммабопликни баҳолаш ёндашувини кенгайтириш, аҳолининг банк хизматларидан фаол фойдаланишини ошириш, жамғармаларни банкларда сақлаш маданиятини ривожлантириш, шунингдек кичик ва ўрта тадбиркорлик бўйича сифатли статистик маълумотлар ва бозор таҳлилларини очиқ тақдим этиш зарурлигини кўрсатди.

Стратегиялар ва йўл хариталар

Ҳисобот йилида молиявий оммабоплик ва молиявий саводхонликни оширишга қаратилган бир қатор стратегик ҳужжатлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тасдиқланди. Жумладан, 2025-2030 йилларга мўлжалланган Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегияси, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий хизматлар стратегияси, Марказий банкнинг ўрта муддатли стратегик ташаббуслар хариталари, ногиронлиги бўлган шахслар учун молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ҳамда молиявий таълимни ривожлантириш бўйича йўл хариталар белгиланди.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Молиявий оммабоплик миллий стратегияси тўртта устувор йўналишни қамраб олди: молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий маҳсулотлар хилма-хиллигини рағбатлантириш, микро, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда банк хизматлари истеъмолчиларининг молиявий имкониятларини ошириш¹².

Шунингдек, ҳисобот йилида молиявий саводхонлик йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоятда жами 18 та лойиҳа амалга оширилиб, 384 та ўқув тадбирида 61,5 минг нафар аҳоли иштирок этди.

ОАВ лойиҳалари орқали 3,7 млн аҳолига молиявий билимлар етказилди.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.01.2025 йилдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-16-сон Фармони

Марказий банк томонидан амалга оширилган лойиҳалар

Ҳисобот йилида ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр тренинглари ташкил этилди.

Жумладан, 3-, 4- ва 5-тоифага кирувчи 71 та туманда аҳоли учун банк хизматлари, 14 та ҳудуд марказларида тадбиркорлар учун факторинг мавзусида тренинглари ўтказилди. Шунингдек, Марказий банк ҳудудий бошқармалари томонидан 162 та туманда доимий сайёр тренинглари ҳар ой мунтазам ташкил этилиб, жами 18,4 минг нафар аҳоли ва тадбиркор қамраб олинди.

Шунингдек, “Молиявий саводхон маскан” лойиҳалари доирасида Тошкент шаҳридаги 2 та республика ва 112 та маҳалла кутубхоналарида турли молиявий мавзуларда билимларни улашиш мақсадида алоҳида интерактив ўқув материаллари тайёрланди ва 6 408 нафар болалар ва ёшлар учун ҳар ой тизимли равишда билим олиш имконияти яратилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар

Ҳисобот йилида молиявий таълимни ривожлантириш доирасида ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, 2024 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва тижорат банклари билан йўлга қўйилган “Молиявий саводхонлик тўғрисида” лойиҳаси ҳисобот йилида қўшимча 3 та банкни (ҳозирда жами 19 та банк) ўзига жалб қилди.

2025-2026 ўқув йилида 133 та мактабда 5-11-синф ўқувчилари учун дарсдан ташқари машғулотлар ташкил этилди, уларга 8 481 нафар ўқувчи жалб қилинди. Лойиҳа доирасида ўқитувчилар ўртасида танлов ўтказилиб, уларнинг лойиҳага қўшган ҳиссалари баҳоланди ва рағбатлантирилди.

“Бутунжаҳон пул ҳафталиги” доирасида ўтказилган тадбирлар орқали 30,6 минг нафар аҳоли, жумладан 18 минг нафар мактаб ўқувчилари қамраб олинди. Кампания натижалари OECD/INFЕнинг 2025 йилги глобал нашрида қайд этилди.

Шунингдек, “Молиявий имкон” лойиҳаси доирасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Paynet” АЖ ҳамкорлигида ногиронлиги бўлган шахслар орасидан 140 нафар фуқаро танлаб олинди ва бугунги кунда 100 га яқин фуқароларга “Paynet” тўлов агенти сифатида фаолият бошлашига кўмаклашилмоқда.

Ёрдамчи-агентлар фаолиятини тизимлаштириш

2025 йилда жорий этилган ёрдамчи-агентлар институти орқали маҳаллалар кесимида аҳолини банк-молия хизматларига жалб қилиш, молиявий саводхонликни ошириш ва банк хизматларини жойида тақдим этиш бўйича тизимли механизм шакллантирилди¹³.

Республика бўйича жами 9 009 нафар ёрдамчи-агент фаолият бошлаб, уларнинг қарийб 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2025 йилдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-12-сон Қарори

Агентлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Марказий банк ва банклар бизнес-тренерларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 208 та туман ва шаҳарда 878 та ўқув машғулоти ўтказилди. Ўқув жараёнлари ва кундалик фаолият mahalla.bank-kredit.uz платформаси орқали марказлаштирилган тарзда мониторинг қилинмоқда.

Банк картасига эга бўлмаган 1,9 млн аҳолини қамраб олиш доирасида ёрдамчи-агентлар орқали 1,3 млн нафар фуқарога банк карталари очилди (67,8%), улар рақамли тўловлар ва мобил банк хизматларидан фойдаланишга ўргатилди.

Тизимни рағбатлантириш ва жойларда фаолликни ошириш мақсадида “Йилнинг энг яхши ёрдамчи агенти — 2025” танлови ўтказилиб, 4 467 нафар агент иштирок этди ва маҳаллаларда 5 мингга яқин тарғибот тадбирлари амалга оширилди. 44 та энг яхши бизнес ғоялар асосида 14 та ҳудуд бўйича ғолиблар аниқланди.

2025 йилда “Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида молиявий хизматлар кўрсатиш стратегияси” ва уни амалга ошириш йўл харитаси тасдиқланди¹⁴. Стратегия 3 та устувор йўналиш ва 29 та чора-тадбирни қамраб олди.

We-Fi Code ташаббуси доирасида банк секторида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳ (миллий коалиция) тузилди. Унга 19 та ташкилот, жумладан 11 та банк ва 4 та микромолия ташкилоти, шунингдек Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси,

Микромолия институтлари уюшмаси, Fintech уюшмаси ва “Hamroh” компанияси аъзо бўлди.

Банк тизимида тадбиркор аёлларга хизмат кўрсатиш учун 8 070 нафар махсус тайёрланган аёл ходимлар фаолият юритмоқда, ҳудудий бўлинмаларда (БХМ, БХО) 186 нафар аёл раҳбар ўринбосарлари тайинланди. Республика бўйича 26,5 минг нафар аёл тадбиркорлар иштирокида молиявий саводхонлик ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқув семинарлари ўтказилди. Миллий коалицияга аъзо микромолия ташкилотлари томонидан 400 нафар аёл мижозларга консалтинг хизматлари тақдим этилди.

Аёл тадбиркорлар учун имтиёзли шартларда 4 та махсус кредит маҳсулоти жорий этилди.

БРБ: “Аёл тадбиркор” кредит маҳсулоти, амалдаги кредит фоиз ставкасидан 2% паст;

Халқ банки: “Дилбар” кредит маҳсулоти, асосий воситаларни харид қилиш учун мўлжалланган, 3 ойлик имтиёзли давр ва 21% дан;

Агробанк ва Асакабанк: тадбиркор аёллар учун 100 млн сўмгача бўлган миқдорда, амалдаги кредит фоиз ставкасидан 2% паст кредит (“Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасидаги маблағлар йўналтирилади);

Oasis Credit : тадбиркор аёллар учун 70 млн сўмгача бўлган гаровсиз кредит.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2025 йилдаги Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-103-сон Қарори

Шунингдек, аёллар тадбиркорлиги бўйича кредитлар сони ва миқдори, муаммоли кредитлар ва депозитлар қамраб олинган маълумотлар платформаси (*dashboard*) прототипи ишлаб чиқилди.

Янги йўналишларда стратегик ҳамкорлик

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан ногиронлиги бўлган шахслар учун молиявий оммабопликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси имзоланди. У 2026–2028 йилларда банкларда тўсиқсиз муҳит яратиш, инклюзив банк хизматлари методологиясини ишлаб чиқиш ва молиявий саводхонлик лойиҳаларини тизимли давом эттиришни назарда тутди. Илк босқичда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун 4 бўлимдан иборат видеодарслар, тест ва кейслардан ташкил топган молиявий саводхонлик дастури тайёрланиб, агентликка тақдим этилди.

Шунингдек, мактабларда молиявий саводхонлик ўқув материалларини ўқувчилар ёшига мослаштириш ва ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан йўл харита ишлаб чиқилди.

Халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорлик доирасида тажриба алмашиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун тематик лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда молиявий саводхонликни ривожлантиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилди.

Молиявий оммабоплик альянси (*AFI*) билан ҳамкорлик янги босқичга чиқиб, ESAPI минтақавий ташаббусига раислик қилиш доирасида 2024–2028 йилларга мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилди. У молиявий оммабопликни яхшилаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, яшил молия, финтех ва рақамлаштириш соҳаларида минтақавий ҳамкорликни кучайтиришни қамраб олди.

Самарқандда ўтказилган ESAPI йиғилишлари ва Глобал сиёсат форуми доирасида Ўзбекистоннинг кичик бизнес, молиявий таълим ва инклюзия бўйича тажрибаси халқаро майдонда тақдим этилди.

Марказий банк иштирокида тайёрланган “Молиявий инновациялар орқали молиявий инклюзияни кенгайтириш” ҳисоботида рақамли тўловлар ва инновацион ечимлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистоннинг регулятор қумдон тажрибаси алоҳида кейс сифатида киритилди.

ESAPI доирасидаги самарали фаолият натижасида Марказий банк AFI Директорлар кенгаши раис ўринбосари номзодига 2027 йилгача тайинланиб, 2028-2029 йиллар давомида ўрнатилган тартиб бўйича Кенгашда раислик вазифасини бажаради.

Халқаро миграция ташкилоти (*IOM/UN Migration*) билан ҳамкорликда Марказий Осиё мамлакатлари марказий банклари иштирокида пул ўтказмалари ва молиявий саводхонлик бўйича минтақавий ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди, меҳнат мигрантлари учун молиявий саводхонликка оид видеоматериаллар тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (*IFAD*) билан ҳамкорликда халқаро пул ўтказмаларини иқтисодий фаолликка йўналтириш, махсус молиявий маҳсулотлар, рақамли ечимлар ва молиявий саводхонлик масалалари муҳокама қилиниб, 2026 йил учун устувор йўналишлар белгиланди.

Шунингдек, Франция банки (*Banque de France*) билан молиявий саводхонлик соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳамкорлик доирасида Франция банкининг таълим материаллари *Finlit.uz* платформаси учун адаптация қилиниб, ўзбек тилига таржима қилинади, шунингдек заруратга қараб субтитр ёки дубляж билан таъминланади. Лицензия келишувини имзолаш орқали мазкур материаллардан бепул фойдаланиш имкониятини яратиш режалаштирилган.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2025 йилда Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати (*кейинги ўринларда — Хизмат*) томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни Ўзбекистон банк тизимида жорий этиш билан бир қаторда кредит ташкилотлари фаолияти бўйича тизимли муаммоларнинг қонуний ечимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, илғор хорижий давлатлар регуляторларининг (*Буюк Британия, Янги Зеландия, Малайзия, Ирландия, АҚШ*) тажрибаларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг “Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Концепцияси” ҳужжати тасдиқланди.

Концепция молиявий хизматлар соҳасида тартибга солиш ва назорат қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб, истеъмолчи учун 9 та асосий натижага эришишни назарда тутди.

Концепцияни амалиётга жорий этиш доирасида тижорат банкларининг истеъмолчилар билан муносабатларига қўйиладиган минимал талаблар такомиллаштирилди.

Жумладан, молиявий хизматлар шаффофлигини ошириш, инсофсиз амалиётларни чеклаш, молиявий қийинчиликка дуч келган мижозларни қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларга адолатли муносабатни таъминлаш, хавфсизликни кучайтириш ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, фуқаролар номига уларнинг хабарисиз фирибгарлик йўли билан кредит расмийлаштирилиши ҳолатларининг кўпайиши ушбу йўналишда ҳуқуқий механизмларни кучайтириш заруриятини юзага келтирди. Шу муносабат билан илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, тегишли идоралар билан ҳамкорликда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонунга жисмоний шахсларга ўз номига кредит олишни тақиқлаш ҳуқуқини берувчи қўшимчалар киритилди.

Ҳозирда 170 мингдан ортиқ фуқаро ушбу имкониятдан фойдаланмоқда.

Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда молиявий хизматлар бозорида истеъмолчилар учун юзага келаётган хатарларни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган Молиявий бозорни мониторинг қилиш қўлланмаси ишлаб чиқилди. Ушбу қўлланма асосида мониторингни амалиётга жорий этиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратнинг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириб, юқори рискли сегментларга ресурсларни манзилли йўналтириш ва муаммоларни эрта босқичда бартараф этиш имконини беради.

Бундан ташқари, Ирландия, Арманистон ва Аргентина тажрибаси асосида кредит ташкилотларида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш талабларига риоя этилишини баҳолаш учун “сирли мижоз” усулида назорат тадбирларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур механизм жойлардаги камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда нормаларнинг амалиётдаги ижросини баҳолашга хизмат қилади.

Кредит бериш жараёнида хатарларни камайтириш, кредит портфели сифатини яхшилаш ва қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятини масъулиятли баҳолаш мақсадида Масъулиятли кредитлашнинг умумий тамойиллари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу тамойиллар қарздорлар келгусида тўлов қийинчиликларига дуч келмаслиги ва зарур ҳолларда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини назарда тутди.

Шунингдек, кредит ташкилотлари фаолиятида аниқланган инсофсиз амалиётлар тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкнинг расмий каналлари орқали очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Бу истеъмолчиларни бозордаги хатарлардан хабардор қилиш, шаффофликни ошириш ва кредит ташкилотлари учун профилактик таъсир механизмларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Жаҳон банки техник кўмаги доирасида 2025 йилда икки мартаба хорижий консултантлар иштирокида миссиялар ўтказилиб, бозор мониторинги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назорат жараёнларини такомиллаштириш бўйича халқаро тажриба ўрганилди ва амалий кўникмалар оширилди.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида Марказий банк AFI (*Намибия*) ва FinCoNet (*Ирландия*) томонидан ташкил этилган асосий йиғилишларда иштирок этиб, аъзо давлатлар регуляторлари билан долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Осиё тараққиёти банки билан ҳамкорликда “Инклюзив молия секторини ривожлантириш дастури” доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 4 та йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда дастурнинг 3-кичик босқичида қўшимча техник кўмак ажратиш бўйича келишувга эришилди.

Банкларнинг жисмоний шахслар учун мўлжалланган молиявий хизматлари ҳақидаги ахборот порталини (*“bankxizmatlari.uz”*) аҳолига кенг тарғиб қилиш ва порталдаги маълумотларнинг актуаллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2025 йил якунига келиб сайтнинг ойлик фойдаланувчилари сони 17 минг нафарга, ойлик ташрифлар сони эса 23 мингга етди.

Бугунги кунда платформада 347 та кредит, 198 та омонат ва 281 та банк картаси турлари, 9 мингдан ортиқ банкоматлар ҳамда барча банкларнинг валюта курслари (*АҚШ доллари, евро, Россия рубли*) тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари назорат қилиш доирасида 2025 йилда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари билан биргаликда банкларнинг жойлардаги мусасаларида базавий хизматлар кўрсатилишининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши ҳолатлари юзасидан 284 та “сирли мижоз” усулидаги назорат тадбирлари амалга оширилди.

Назорат натижаларига кўра, банкларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилди, камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди ҳамда аниқланган тизимли муаммолар ва инсофсиз амалиётлар асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, ушбу натижалар келгусида текширишларни рискка асосланган ёндашув асосида режалаштириш учун таҳлилий база сифатида фойдаланилди.

Қўшимча равишда, 5 та банкда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бўйича тематик текширишлар ўтказилиб, натижада қонунчилик ва шартномаларга зид ундирилган 29 млрд сўм миқдоридаги фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловлар мижозлар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди. Камчиликка йўл қўйган банкларга 2,8 млрд сўм жарима санкциялари қўлланилди.

Шунингдек, гаров муносабатлари бўйича қонунчилик талабларининг банк амалиётида қўлланилиши масофавий мониторинг қилинди. Ушбу ўрганишлар натижасида қоидабузарликка йўл қўйган 18 та банкка 1,8 млрд сўм жарима белгиланди.

Ҳисобот йили давомида молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига оид 1 961 та мурожаат кўриб чиқилди. Натижада 188 нафар истеъмолчининг ҳуқуқлари тикланиб, омонат маблағлари, нотўғри ҳисобланган кредит қарздорликлари ва асоссиз ундирилган тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилиниши орқали жами 26 млрд сўм миқдорида молиявий манфаат таъминланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

2025 йилда Марказий банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида кўриб чиқилиши таъминланди.

Марказий банкка келиб тушган 5 379 та мурожаатдан 5 209 таси ёки 96,8 фоизи бевосита банклар фаолияти билан боғлиқ бўлган мурожаатлар ҳисобланади. Мазкур мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича банкларнинг бош офисига юборилиб, натижалари тўғрисида мурожаатчиларга ўз вақтида маълум қилиниши устидан мониторинг ўрнатилди.

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг 5 066 тасига (94,2%) белгиланган тартибда тегишли тушунтиришлар берилди ва ижобий ҳал қилинди, 91 та (1,7%) мурожаат тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа вазирлик ва идораларга юборилди, 218 таси (4%) ижро жараёнида ва 4 таси (0,1%) аноним мурожаат бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмади.

Марказий банкка келган мурожаатларнинг қарийб 84,7 фоизи кредит, банк карталари ва фирибгарлик, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамда банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласидаги мурожаатлар ҳиссасига тўғри келади.

Мурожаатлар таркибида банк кредитлари, кредит операциялари ҳамда тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масалаларига оид мурожаатлар улуши юқориликча сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, банк тизимидаги ислохотлар ҳамда банк хизматлари сифати ошиши натижасида ушбу мурожаатлар улуши ўтган йилга нисбатан 10 фоиз бандга камайди.

Қўшни давлатларда ҳам кузатилаётгани каби, фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар кескин ошди ва ушбу масала бўйича мурожаатлар сони кўпайди. Хусусан, фуқаролар номига банк карталари орқали кредитлар расмийлаштириш ва маблағларни ўзлаштириш, шунингдек картадан эгаси хабардорлигисиз пул ечиб олиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар ўтган йилга нисбатан 8,6 баробарга кўпайди.

Ҳисобот йилида аҳолининг мурожаатларини жойида ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида олис ва аҳоли зич ҳудудларда Марказий банк раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ўтказилди. Қабуллар давомида масалаларни тезкор ва холис ҳал этишга, шунингдек аҳолининг розилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ташкил этилган 31 та сайёр қабулларда жами 1 мингга яқин тадбиркорлар, омонатчилар ва фуқаролар билан учрашилди. Қабулда 513 та имтиёзли кредит ва банкка оид бошқа масалаларда мурожаатлар қабул қилинди ва уларнинг 348 таси ижобий ҳал қилинди (46,5 млрд сўм ҳамда 3,5 млн доллар миқдорида кредитлар ажратилди), 154 тасига тегишли тушунтиришлар берилди, 11 таси тегишли идораларга юборилди.

Мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш билан бирга, улар орқали аниқланган тизимли муаммолар асосида банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларга доир минимал талаблар такомиллаштириб борилди.

Жумладан, Марказий банкнинг “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мурожаатлар таҳлили асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришлар банк хизматларидан фойдаланувчилар учун қулайликларни кенгайтириш, банк ходимлари масъулиятини ошириш, ортиқча ҳужжатлар талаб қилишни чеклаш, шикоят бериш тартибини соддалаштириш ҳамда хизмат кўрсатишда шаффофлик ва тезкорликни оширишга қаратилди. Шунингдек, қарздорлик бўйича қийинчиликка дуч келган аҳоли учун кредит шартларини қайта кўриб чиқиш, жумладан кредит муддатини узайтириш, фоиз ставкасини пасайтириш ва пеня миқдорини камайтириш имкониятлари яратилди.

Ўз навбатида, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятига оид мурожаатларни аввало тегишли ташкилотлар даражасида ҳал этиш, Марказий банкка эса фақат ҳал этилмаган мурожаатларни юбориш амалиётини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Бу эса жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатини қисқартириб, сифатини оширади ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш

Ҳисобот йилида тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва аҳоли бандлигини оширишда банкларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этди.

2025 йилда микро, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 131,2 трлн сўм кредитлар ажратилди (*ўсиш — 1,4 баробар*) (8.1-расм).

Тармоқлар кесимида ажратилган кредитларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш соҳасига — 32 фоиз (*42,9 трлн сўм*) тўғри келди. Шунингдек, саноат соҳасига — 21 фоиз (*17,7 трлн сўм*) ва қишлоқ хўжалигига — 16 фоиз (*17,9 трлн сўм*) маблағлар йўналтирилди.

2025 йилда банклар томонидан савдо ва хизматлар соҳасидаги 85 мингдан ортиқ тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун 77,8 трлн сўм кредит ажратилди.

Туризм соҳасини ривожлантириш доирасида 7 073 та тадбиркорлик субъектига 4,9 трлн сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий кредит линиялари ресурсларидан ҳам кенг фойдаланилди. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан 39 мингдан ортиқ лойиҳалар учун жами 5,0 млрд доллар миқдорида кредитлар ажратилди, шундан 2,6 млрд доллари кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаштиришга тўғри келди.

Тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2025 йилда “Бизнесга биринчи қадам”, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” ва “Маҳалла лойиҳаси” дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Маҳаллаларда тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан “Бизнесга биринчи қадам”, “Бизнесга биринчи қадам-2”, “Маҳаллада бизнес”, “Томорқа-бизнес” ва “Бизнесга кўмак” каби кредит маҳсулотлари жорий этилди. Ҳисобот йилида 200 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга 4,6 трлн сўм кредит ажратилди.

2025 йилда ушбу дастурлар амалга оширилиши давом эттирилиб, асосий эътибор ёшлар ва хотин-қизларни банд қилишга қаратилди. Ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида 260 мингдан ортиқ лойиҳаларга 4,4 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, ёшлар ташаббусларига 1,5 трлн сўм (85 мингдан ортиқ лойиҳа) ва хотин-қизлар лойиҳаларига 2,2 трлн сўм (136 мингдан ортиқ лойиҳа) йўналтирилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг асосий қисми — 4,4 трлн сўми (99%) ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга, 50,2 млрд сўми (1%) эса юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга тўғри келди.

Кредит ажратиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилиб, Oilakredit.uz ягона электрон платформаси орқали амалга оширилмоқда.

2025 йилдан Халқ банки томонидан Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Молиявий оммабоплик” дастури амалга оширилмоқда. Дастур доирасида “Маҳалла лойиҳаси” (Паркент тажрибаси) кредит маҳсулоти жорий этилиб, аввал оилавий тадбиркорлик дастурларида иштирок этган фуқароларнинг бизнес фаолиятини кенгайтириш учун соддалаштирилган тартибда гаровсиз кредитлар ажратилмоқда.

Ушбу кредитлар 3 йилгача муддатга 50 млн сўмгача, йиллик 25 фоиз (аёллар учун 24%) ставкада тақдим этилади. Ҳисобот йилида мазкур дастур барча тижорат банкларида жорий қилиниб, 210 мингдан ортиқ лойиҳаларга жами 14 трлн сўм кредит ажратилди.

Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмларидан бири “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури ҳисобланади. Ушбу дастур доирасида кредитлар 7 йилгача (айланма маблағлар учун 18 ойгача) муддатга, 36 ойгача имтиёзли давр билан (айланма маблағлар учун 6 ой) 300 млн сўмгача ажратилади.


Бунда, кредитнинг 100 млн сўмгача қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” маблағи ҳисобидан гаровсиз, 100 млн сўмдан ошган қисми тижорат банкларининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

2025 йилда ушбу дастур доирасида 64 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектига 7,5 трлн сўм кредит ажратилди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича бир қатор ташаббусларни амалга оширишни давом эттирди. Хусусан, “Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибаси ҳамда “бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосидаги ишлар кенгайтирилди. “Сайхунобод тажрибаси” доирасида маҳаллаларда 409,6 минг микролойиҳани амалга ошириш учун 7,7 трлн сўм кредит ажратилди ва натижада 840,4 минг нафар аҳоли даромадли меҳнат билан таъминланди.

“Уйчи тажрибаси” доирасида 25 мингдан ортиқ тадбиркор билан учрашувлар ўтказилиб, улар томонидан кўтарилган 106,8 мингдан ортиқ масала ва муаммолар ҳал этилди. Шунингдек, “бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 11,9 минг гектар ер майдонида 1 075 та намунавий лойиҳа амалга оширилиб, уларга 169,3 млрд сўм кредит ажратилди. Ушбу лойиҳаларга “етакчи” тадбиркорларни жалб қилиш орқали 30,4 мингта деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

8.1-расм. Микро, кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитлар, трлн сўмда



IX. ПУЛ МУОМАЛАСИ

Ҳисобот йилида нақд пул муомаласини ташкил этишда иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нақд пулларга бўлган талабни ўзлуксиз ва етарли даражада қондириш устувор вазифа этиб белгиланди. Шу билан бирга, банкноталар номинал қаторини оптималлаштириш, муомаладаги нақд пуллар сифатини яхшилаш ва эски намунадаги банкноталар ўлушини босқичма-босқич қисқартириш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, банкларда касса ишларини ташкил этиш, хусусан нақд пуллар билан ишлаш жараёнларига янги хизмат турларини жорий этишга ҳамда рақамлаштиришга аълоҳида эътибор қаратилди.

2025 йилда нақд пул муомаласини ташкил этиш, нақд пулларнинг ҳудудлараро ва банклараро ҳаракатини бошқаришни эркинлаштириш ҳамда инфратузилмага замонавий технологияларни жорий этиш бўйича ишлар изчил давом эттирилди.

Нақд пул айланмаси ва муомаладаги пуллар

Ҳисобот йилида банклар орқали нақд пул айланмаси 1 250 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошди. Банк кассаларига тушган нақд пуллар ҳажми 22,8 фоизга ўсиб, 615,1 трлн сўмни ташкил қилди.

Нақд пул тушумлари ўсиши асосан товарлар сотишдан тушумларнинг 13,8 фоизга, пуллик хизматлардан 28 фоизга, банк хизматлари (*омонатлар, кредит тўловлари,*

валюта операциялари) бўйича 34,7 фоизга, солиқлар ва бошқа манбалардан 14,7 фоизга ошиши ҳисобига таъминланди.

Тушумлар таркибида банк хизматлари 37,6 фоиз, товарлар сотиш 33,1 фоиз, солиқлар ва бошқа манбалар 17 фоиз, пуллик хизматлар эса 12,3 фоиз ўлушни ташкил қилди.

Банк кассаларига нақд пул тушумларининг ЯИМга нисбати 33,3 фоиз даражасида сақланиб қолди.

2025 йилда иқтисодий фаоллик ошиши фонида нақд пулга бўлган талаб ошиши натижасида банклар томонидан аҳоли ва хўжалик субъектларига берилган нақд пуллар ҳажми 2024 йилга нисбатан 24,6 фоизга ўсиб, 634,9 трлн сўмни ташкил этди. Йил давомида нақд пулга бўлган талаб 125,3 трлн сўмга кўпайди.

Нақд пулларнинг банклараро ҳаракатини эркинлаштириш, нақд пуллар билан таъминлашда банкларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш, бунда Марказий банк иштирокини камайтириш мақсадида “Нақд пулларнинг электрон майдони” платформаси доимий тарзда такомиллаштирилди.

2025 йилда амалиёт натижаларидан келиб чиқиб, мазкур ахборот тизими фойдаланувчилари учун бир қатор рақамли ечимлар жорий этилди. Жумладан, белгиланган вақт тугагандан сўнг банклар томонидан алоҳида дарча орқали нақд пулларга буюртма бериш имконияти яратилди, шунингдек Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари, банклар ва инкассация

хизматида фармойишларни шакллантириш, имзолаш ва ижрога юбориш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилди.

2026 йил 1 январь ҳолатига тизимга уланган фойдаланувчилар сони 1 009 тани ташкил этди, шундан 955 таси банклар, 38 таси Марказий банк, 16 таси инкассация хизмати муассасалари ҳиссасига тўғри келди.

2025 йил давомида тизимда шаклланган эҳтиёждан ортиқча нақд пуллар таклифи ва нақд пулларга бўлган талабга мувофиқ жами 180,2 трлн сўмлик келишувлар амалга оширилган бўлиб, ушбу келишувлар доирасида тижорат банклари ўртасида — 43,1 трлн сўм, Марказий банкдан тижорат банкларига — 65,1 трлн сўм етказиб берилди ва тижорат банкларидан Марказий банкка — 72 трлн сўм нақд пуллар олиб келинди.


Шу билан бирга, нақд пуллар билан ишлаш, сақлаш ва логистика соҳасида “Инкассация марказлари” орқали касса операцияларини аутсорсинг асосида

амалга ошириш амалиёти кенгайтирилди. 2025 йил якунига келиб 9 та ҳудудда жойлашган 20 та “Инкассация маркази” томонидан Агробанкнинг 106 та бўлинмасига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Инкассация марказлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида банклар учун нақд пул ва қимматликларни сақлаш, касса қолдиқлари доирасида нақд пул билан таъминлаш, мижозларнинг нақд тушумларини қабул қилиш ва ҳисобрақамларга ўтказиш каби қўшимча хизматлар босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шунингдек, нақд пуллар ва қимматликларни қабул қилишда қопларни пломбалаш учун бир марталик рақамланган штрих-код ёки QR-кодди пластик пломбалар жорий этилди. Натижада нақд пулларни банк кассаларига топширишда ортиқча бланкалар ва ҳужжатлар сони қисқартирилиб, банк ходимлари аралашуви камайтирилди ҳамда касса операцияларини амалга ошириш тезлаштирилди.

9.1-расм. Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси, трлн сўмда



9.2-расм. Нақд пулларнинг берилиши бўйича йўналишлари, фоизда



Шунингдек, банкларнинг нақд пул ва қимматликларини шартнома асосида сақлаш бўйича “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК томонидан тақдим этилган хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали ушбу соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган чоралар кўрилди.

2025 йилда республика ҳудудларида нақд пул муомаласи ҳолатини баҳолаш ва аҳоли фикрини ўрганиш мақсадида жамоатчилик сўровномаларини йилда икки маротаба ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Сўровнома натижалари нақд пул муомаласидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни белгилаш ва манзилли ечимлар ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Муомалага чиқарилган пуллар

2025 йилда нақд пулга бўлган талабдан келиб чиқиб муомалага қўшимча нақд пуллар чиқариш, шу билан бирга муомаладаги нақд пуллар таркибини оптималлаштириш ва банкларда банкнот ва тангалар захираларини шакллантириш ишлари давом эттирилди.

Муомаладаги нақд пуллар ҳажми 2025 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 16,8 трлн сўмга ёки 25,6 фоизга ошди.

Нақд пуллар қаторини оптималлаштириш натижасида паст номиналли (1 000 ва 10 000 сўмлик) банкнотлар ҳажми 534,9 млрд сўмга камайган бўлса, юқори номиналли (2 000-200 000 сўмлик) банкнотлар ҳажми 17,3 трлн сўмга кўпайди.

Қўшимча нақд пулларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобига банкнотлар сони 262 млн донага ошиб, жами 2,4 млрд донани ташкил этди.

Муомаладаги банкнотлар таркибида 200 000 сўмлик банкнотлар улуши 23,4 фоиздан 28,5 фоизга ошган, 100 000 сўмлик банкнотлар улуши эса 40,9 фоиздан 36,4 фоизга камайган бўлиб, бу асосан эски намунадаги банкнотларни муомаладан чиқариш билан изоҳланади.

Шунингдек, муомаладаги тангалар ҳажми 1,1 баробарга ошди ва уларнинг жами пул белгилари таркибидаги улуши 0,3 фоизни ташкил этди.

Йил якунига келиб, янги намунадаги банкнотлар улуши сезиларли даражада ошди: 5 000 сўмлик банкнотларда 93 фоизга, 10 000 сўмликда 95 фоизга, 50 000 сўмликда 96 фоизга, 100 000 сўмлик банкнотларда эса 97 фоизга етди.

Натижада, 2026 йил 1 январь ҳолатига 2021-2022 йиллар намунасидаги янги банкнотларнинг (*шу жумладан 2 000, 20 000 ва 200 000 сўмлик*) муомаладаги жами банкнотлар сонидagi улуши 76,3 фоиздан 90,4 фоизга, қиймат бўйича улуши эса 85,5 фоиздан 97,5 фоизга етди.

2025 йилда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун нақд пул ҳисоб-китобларини янада қулайлаштириш мақсадида муомаладаги нақд пулларни номиналлар бўйича оптимал тақсимлаш механизми жорий этилди. Ушбу механизмга мувофиқ, кичик номиналлар учун 1–3 фоиз, ўрта — 15–25 фоиз ва йирик — 72–84 фоиз улуш коридорлари белгиланди.

Банклар томонидан мазкур тавсиявий ёндашув қўлланилиши натижасида 2025 йил якунига келиб, нақд пуллар таркибида кичик номиналлар 1,1 фоиз, ўрта номиналлар 15,8 фоиз, йирик номиналлар эса 83,1 фоизни ташкил этиб, белгиланган мақбул коридорлар доирасида шаклланди.

Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар

Сўнгги йилларда банк карталарига нақдсиз шаклда тушаётган маблағлар ҳажмининг ошиши фонида карталардан нақд пул ечиб олиш ҳажми ҳам ўсиш тенденциясини сақлаб қолмоқда.

2025 йилда банк карталарига тушган маблағлар 2024 йилга нисбатан 44,6 фоизга (461,5 трлн сўмга) ошган бўлса, карталардан нақдлаштириш ҳажми 23,7 фоизга (53,6 трлн сўмга) кўпайиб, 279,5 трлн сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, аҳолининг тўлов инфратузилмасидан фойдаланиш кўникмалари ва ишончи ортиши ҳамда


рақамли тўлов технологияларининг кенгайиши натижасида нақдлаштиришнинг карталарга тушган маблағлар ҳажмидаги улуши 21,8 фоиздан 18,7 фоизгача камайди.

Ҳисобот йилида банк карталари орқали амалга оширилган жами чиқим операциялари 1 493,1 трлн сўмни ташкил этиб, шундан 81,3 фоизи нақдсиз, 18,7 фоизи эса нақдлаштириш ҳиссасига тўғри келди (2024 йилда — 78,1%).

Банк карталарига тушган маблағлар таркибида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия тўловлари 22,5 фоиз, нақд пул ва омонат ҳисобварақларидан киримлар 20 фоиз, аҳолининг бошқа даромадлари 13,8 фоизни ташкил этди.

Тўлов инфратузилмасининг кенгайиши натижасида умумий пул тушумларида банк карталари орқали ҳисоб-китоблар улуши 42,8 фоизга етди (2024 йилда — 40,4%). Савдо ва пуллик хизматлар тушумида эса карталар орқали тўловлар улуши 47,6 фоизни ташкил этди.

9.3-расм. Муомалага чиқарилган пул белгилари (банкнотлар ва тангалар)нинг номинал қийматлари бўйича улуши, фоизда



X. ИНСОН РЕСУРСЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш борасида:

Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадлари бўлган нархлар, банк ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегик вазифаларни амалга оширишда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори салоҳиятли ходимларнинг роли муҳим ҳисобланади.

– иш жараёнларига мослашувчан иш вақти режими жорий этилди;

– илмий ва амалий кўникмаларга эга ходимлар салмоғини ошириш мақсадида хорижий топ университетларда таҳсил олишни молиявий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди.

2025 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида мавжуд вакант лавозимларга ишга қабул қилиш жараёнлари очиқлик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ташкил этилди. Танлов босқичлари номзодлар учун қулай ва масофавий форматда ўтказилиб, тест синовлари Telegram-бот орқали, хорижий тиллар бўйича баҳолаш эса Google Meet платформасида амалга оширилди.

Сўхбатлар Марказий банкнинг тажрибали мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ўтказилиб, барча номзодлар учун тенг имкониятлар таъминланди. Ишга қабул қилиш жараёнлари реал вақт режимида узатиб борилди.

Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг расмий веб-сайти (*cbu.uz*) ва ижтимоий тармоқларда мунтазам эълон қилиб борилди. Шунингдек, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали танлов жараёнлари бўйича тушунтирувчи видеоматериаллар тарқатилиб, номзодлар учун маълумотларни тез ва осон топишлари ҳамда танлов босқичларини тушунарли бўлиши таъминланди.

Кадрлар захирасини кенгайтириш мақсадида етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ҳамда меҳнат ярмаркалари ва “TalabaExpo–2025” кўргазмаларида фаол иштирок этиб келинди.

2025 йилда ишга қабул қилиш учун ишлаб чиқилган Telegram-бот (@CBUuz_bot) орқали 11 416 нафар номзод рўйхатдан ўтди. Танлов босқичларидан ўтган 648 нафар номзод билан очиқ онлайн сўхбатлар ўтказилиб, йил давомида 274 нафар энг муносиб номзод (186 нафар Марказий аппаратга, 88 нафар ҳудудий бош бошқармаларга) ишга қабул қилинди.

Шу билан бирга, “Махсус стипендия” дастури доирасида республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида танлов ўтказилиб, 49 нафар иқтидорли талаба Марказий банк стипендияси соҳиби бўлди. Улар учун амалий тажриба, мураббийлик ва касбий мослашув тизими йўлга қўйилди. 2024 йил дастур натижасида 2025 йилда 18 нафар стипендиат ишга қабул қилинди.

Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар

Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш маркази томонидан 2025 йил давомида Марказий банк ходимларининг касбий билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларининг 220 нафар ходими хорижий давлатларда ташкил этилган жами 164 та ўқув тадбирида иштирок этди.

Мазкур ўқув тадбирлари хорижий марказий (*миллий*) банклар, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган бўлиб, жумладан, Бирлашган Вена институти (*JVI*) — 36 та, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (*ЕАЭС*) — 24 та, хорижий, марказий ва миллий банклар — 23 та, Германиянинг марказий банки (*Bundesbank*) — 15 та, Халқаро валюта жамғармасининг Кавказ, Марказий Осиё ва Монголия давлатларини техник қўллаб-қувватлаш маркази (*ССАМТАС*) — 10 та, Халқаро валюта жамғармаси — 9 та, Жаҳон банки ва RAMP дастури — 8 та, Швейцариянинг Иқтисодий ишлар бўйича давлат котибияти (*SECO*) ва Швейцариянинг Герцензее ўқув маркази — 4 тадан ва бошқа хорижий ташкилотлар томонидан ўтказилган 31 та ўқув тадбирларида Марказий банк ходимлари иштирок этишди.

Ходимларнинг хориждаги ўқув тадбирлари бўйича умумий ўқув соатлари 11 556 соатни ташкил этиб, бир ходим ҳисобига ўртача 52,5 соат ўқув соати тўғри келади.

Шу билан бирга, Россия, Англия, Германия, Франция, Арманистон ва Беларус давлатларининг марказий банклари ҳамда халқаро молия ташкилотлари томонидан ташкил этилган 75 та онлайн ўқув тадбирида 244 нафар ходим иштирок этди.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Марказий банк, тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари ходимлари учун 21 та қўшма ўқув тадбири ташкил этилди. Ушбу тадбирларда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (*EBRD*), Марказий банклар салоҳиятини ошириш дастури (*BCC*) Котибияти, Россия Банки, KPMG ҳамда бошқа хорижий ҳамкорлар иштирок этди.

Ушбу тадбирлар пул-кредит сиёсати, банк назорати, молиявий барқарорлик, халқаро захираларни бошқариш, IT ва киберхавфсизлик, финтех ҳамда молиявий саводхонлик каби устувор йўналишларни қамраб олди.

Мазкур ўқув тадбирларида жами 689 нафар иштирокчи қатнашди. Шундан 391 нафари (57%) Марказий банк ходимлари, 275 нафари (40%) тижорат банклари, микромолия ва бошқа кредит ташкилотлари ходимлари, 11 нафари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Статистика қўмитаси вакиллари, 12 нафарини эса тадқиқот ва олий таълим муассасалари ходимлари ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этилган 3 ойлик “Раҳбар аёллар” ўқув курсида Марказий банк марказий аппаратининг 1 нафар ходими иштирок этди.

Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё ҳудудий бош бошқармаларининг 15 нафар ходими “Ўзбек адабий тили меъёрлари, латин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси ҳамда давлат тилида иш юритиш асослари” курсларида малака оширди.

Бундан ташқари, “Иш жараёнида сунъий интеллект воситаларидан самарали фойдаланиш” ҳамда “ChatGPT орқали иш жараёнини такомиллаштириш” мавзуларидаги ўқув курсларида 179 нафар Марказий банк ходимлари иштирок этди.

Шу билан бирга, 2025 йил давомида Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, LB-WE (*Landesbank Baden-Wuerttemberg*), Республика касбий кўникмалар маркази, Руссвифт компанияси, Осиё тараққиёт банки (*ADB*), АҚШ элчихонаси, ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқи (*ЕИ*) томонидан ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курсларида марказий аппарат бошқармаларининг 23 нафар ходими қатнашди.

Стипендиатлар учун тасдиқланган дастур доирасида Марказий банк тасарруфидаги “Давлат белгиси” МЧЖ, Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва

улар билан ишлаш хизмати ҳамда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖга ташрифлар ташкил этилди.

2026 йил 1 январь ҳолатига, хорижий магистрлик даражасини олган 103 нафар ходим Марказий банкда фаолият юритмоқда.

Хорижий магистрлик даражасини олган 103 нафар ходимларнинг 44 нафари Япония, 24 нафари Буюк Британия, 9 нафари Корея, 5 нафари Германия ва 21 нафари бошқа хорижий мамлакатларда давлат сиёсати, иқтисодиёт, молия ва банк иши, MBA ва халқаро менежмент каби йўналишларда таълим олишган. Бундан ташқари, 1 нафар ходим Японияда докторантура (*PhD*) дастурини битириб қайтиб келган.

Ҳозирги кунда Япония, Буюк Британия, АҚШ, Швейцария, Австралия, Германия ва Испания давлатлари олийгоҳларининг магистратура дастурида 25 нафар, докторантура (*PhD*) дастурларида 1 нафар ходим таҳсил олиб келмоқда.

XI. МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК, ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш

2025 йилда кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари ҳамда кредит бюролари ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек рақамли технологиялар орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини кучайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Замонавий киберҳужумлар таҳдиди ортиб бораётгани сабабли банклар ва кредит бюроларига қўйиладиган киберхавфсизлик талаблари кучайтирилди. Шунингдек, факторинг электрон платформалари учун ҳам ахборот ва киберхавфсизлик бўйича алоҳида талаблар белгиланди.

Онлайн фирибгарликларга қарши чоралар

Фуқаролар номига бир вақтнинг ўзида бир нечта банкларда онлайн кредит расмийлаштирилишининг олдини олиш мақсадида кредит буюртмалари ва кредит ахборотини реал вақт режимида кредит бюроларига узатиш механизми жорий этилди.

Банклар, тўлов тизимлари операторлари ва кредит бюроларининг ахборот тизимлари Марказий банк Ягона платформасига интеграция қилиниши натижасида фирибгарлик ҳолатларини таҳлил қилиш муддати

3 иш кунидан 4 соатгача қисқартирилди.

Мобил иловаларда қўйидаги ҳимоя механизмлари жорий этилди:

– OTP-коднинг (*СМС тарзида юборилади*) фақат фойдаланувчининг мобил қурилмасида амал қилиши (*телеком антифрод*);

– фойдаланувчи ҳаракатлари ва уланиш параметрларини таҳлил қилувчи сессия антифрод;

– қурилмада зарарли дастурлар аниқланганда огоҳлантирувчи антивирус ҳимоя тизими;

– рўйхатдан ўтиш, паролни тиклаш ва бошқа қурилмадан кириш жараёнларида биометрик идентификация (*Face ID*).

Назорат ва ҳуқуқий чоралар

Банк ва тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бажарилиши юзасидан 37 та ўрганиш ўтказилди. Камчиликларга йўл қўйган 3 та банкка 115 млн сўм миқдорида жарима санкциялари қўлланилди.

Масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда фирибгарликларни олдини олиш бўйича кредит ва тўлов ташкилотларига қўйиладиган талаблар ҳамда фирибгарлар таъсирида онлайн кредит расмийлаштирган фуқаролардан қарздорлик ундируви тўхтатилишини назарда тутувчи Низом ишлаб чиқилди.

Банклар фойдаланадиган аппарат ва дастурий воситаларда юзага келадиган заифликлар ва киберҳужумлар тўғрисида ўз вақтида хабар топиш ва тезкор ҳимоя чораларини кўриш мақсадида 8 та тижорат банкининг 30 дан ошиқ ахборот тизими “Муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари реестри”га киритилди.

Интернет тармоғида банк карталари маълумотлари тарқалишини ва ахборот тизимлари барқарорлигига хавф солувчи омилларни мониторинг қилувчи замонавий платформа жорий этилди. Шунингдек, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида маълумотларни электрон шаклда йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича махсус ахборот тизими ишга туширилди.

Малака ошириш ва профилактика

Аҳолида “кибергигиена”ни шакллантириш мақсадида 2025 йил ноябрь ойида ўтказилган “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” доирасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилди.

Банклар ва тўлов ташкилотларининг киберхавфсизлик ва антифрод бўлинмалари ходимлари учун ҳар чоракда халқаро экспертлар иштирокида семинар ва тренинглار ташкил этилди.

Марказий банк ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ҳудудларда рақамли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мавзусида ўқув семинарлари ўтказилди.

Шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлик даражасини баҳолаш мақсадида Марказий банкнинг махсус Рейтинг ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамли трансформация жараёнларининг жадал суръатларда кечиши банк ва тўлов хизматларига бўлган талабни сезиларли даражада оширди. Бунда Марказий банк ахборот тизимлари ва тўлов инфратузилмасининг узлуксиз, барқарор ва хавфсиз ишлаши молиявий барқарорлик ҳамда жамоатчилик ишончи учун ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

2025 йил давомида ахборот хавфсизлигини кучайтириш ва рақамли хизматлардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чоратadbирлар амалга оширилди.

Марказий банк ахборот тизимлари, серверлари ва маълумотлар базаларида фойдаланувчиларнинг кириш ҳуқуқларини бошқариш механизми қайта кўриб чиқилди ва ваколатлар қайта таҳлил этилди. Ахборот ресурсларини бошқариш модуллари хавфсизлик тизимлари билан интеграция қилинди.

Корпоратив тармоқ ва интернет трафиги замонавий:

- тармоқлараро экранлар (*Firewall*);
- ҳужумларни аниқлаш ва олдини олиш тизимлари (*IDPS*);
- прокси серверлар орқали доимий мониторинг қилинди.

Шунингдек, Марказий банк ахборот тизимлари, тизим ости модуллари ва ресурсларига жами ташқи тизимлар билан ташкил этилган 134 та боғланишда ахборотни ҳимоялаш чоралари кўрилди. Бу тўлов тизимлари,

банклар ва бошқа молия институтлари билан ахборот алмашинувини хавфсиз каналлар орқали амалга оширишни таъминлади.

Шунингдек, 457 та ташкилот Банк-мижоз тизимига уланиб, ахборот хавфсизлиги воситалари билан таъминланди. Банклар ва микромолия ташкилотларини тизимларнинг янги версияларига улаш ишлари давом эттирилмоқда.

Марказий банкда ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш йўналишидаги ишлар тизимли равишда амалга оширилди. Электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари ва сертификатларини яратиш, янгилаш ва бекор қилиш белгиланган тартибда таъминланди.

Марказий банк тўлов тизимлари ва ички ахборот тизимлари ЭРИ билан таъминланди, бу банклар, ташкилотлар ва Марказий банк ходимлари рақамли хизматлардан хавфсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ахборот алмашинуви IPSec, VPN, SSL/TLS технологиялари асосида шифрланган каналлар орқали амалга оширилди. Барча домен ва субдоменлар амал қилувчи SSL сертификатлар билан таъминланди.

2025 йил давомида Марказий банк ахборот тизимларида киберинцидентларга қарши комплекс мониторинг ва таҳлил ишлари амалга оширилди. IDPS, WAF, антивирус, SIEM каби замонавий хавфсизлик воситалари 24/7 режимида муҳофазаси назоратга олинди.

Натижада:

– тармоқ ва веб-иловалар орқали ҳужумлар;

– зарарли файллар ва вируслар;

– рухсатсиз киришга уринишлар барвақт аниқланиб, бартараф этилди.

Ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилиши назорат қилинди, конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш тартиблари қайта кўриб чиқилди. Электрон маълумотларни сақлаш ва алмашиш бўйича ягона регламент жорий этилди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш

2025 йилда Марказий банк томонидан банклар, нобанк кредит ташкилотлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин қуроқларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги талабларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ва назорат ишлари давом эттирилди.

Банклар, нобанк кредит ташкилотлари ва тўлов ташкилотларида соҳага оид рисклар баҳоланиб, бунда асосий эътибор юқори рискли маҳсулот, хизматлар, амалга ошириш каналлари ва мижозлар турларини аниқлаш, мавжуд таҳдид ва заифликларни таҳлил қилиш ҳамда ҳар бир сектор бўйича соф риск даражасини белгилашга қаратилди.

Аниқланган рискларни камайтириш мақсадида назорат остидаги ташкилотлар томонидан ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, ҳисобот ва назорат нуқталари ҳамда масъул ходимларни белгилаш орқали рискларни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи тавсиялар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Мазкур тавсиялар назорат остидаги субъектларга ички ҳужжатларда белгиланган превентив чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда юқори рискли йўналишларни мустақил баҳолаш имконини беради.

Бундан ташқари, 2025 йилда тизимли аҳамиятга эга бўлган қуйидаги 5 та риск бўйича кучайтирилган мониторинг олиб борилди:

- халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операциялар;
- юридик шахсларнинг ҳисобварағидаги пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш билан боғлиқ операциялар;
- юридик шахс томонидан жисмоний шахсга ёки жисмоний шахс томонидан юридик шахсга пул маблағларининг ўтказилиши билан боғлиқ операциялар;
- жисмоний шахслар ўртасидаги картадан картага пул ўтказмалар (*P2P операциялар*);
- рўйхатдаги шахслар ва уларнинг операциялари.

Назорат тадбирлари

Ҳисобот йилида риск профили бўйича таваккалчилик даражаси юқори бўлган 10 та банкда жойига чиққан ҳолда, шунингдек 22 та банкда, 9 та тўлов ташкилотида, 8 та нобанк кредит ташкилотида ва 2 та тўлов тизими операторида соҳага оид масалалар юзасидан масофадан назорат тадбирлари ўтказилди.

Натижада тегишли хато ва камчиликларга йўл қўйган 24 та банк ва 8 та нобанк кредит ташкилотига нисбатан жарима чораси қўлланилди, шунингдек 9 та тўлов ташкилоти ҳамда 2 та тўлов тизими оператори келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Норматив базани такомиллаштириш

Тизим самарадорлигини ошириш, секторлар кесимида аниқланган рискларни камайтириш ҳамда қонунчиликни ФАТФ тавсияларига мувофиқлаштириш мақсадида назорат остидаги ташкилотлар учун ички назорат қоидалари такомиллаштирилди. Жумладан, асосий тушунчалар, шубҳали операциялар мезонлари, мижозлар риск даражасини баҳолаш тартиби ҳамда Рўйхатга киритилган шахслар операцияларини аниқлаш ва тўхтатиш механизмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Марказий банк вакиллари Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (*ЕАГ*) билан ҳамкорлик доирасидаги

мажбуриятларнинг¹⁵ бажарилишини таъминлаб келмоқда ҳамда 2025 йилда ЕАГнинг 42 ва 43-Ялпи мажлисларида иштирок этди.

Ходимлар малакасини ошириш доирасида икки нафар ходим ICA'нинг¹⁶ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича (AML) сертификатиغا эга бўлди, яна икки нафар ходим ФАТФ ва ЕАГ эксперт-баҳоловчиларини тайёрлаш дастурини тамомлади.

Банкларнинг хорижий молия институтлари билан корреспондентлик муносабатларининг тугатилиши эҳтимоли ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи хорижий давлатлар қонунчилиги талабларига риоя этилиши билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва баҳолаш заруратини инобатга олган ҳолда, “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида”ги низомга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ўзгартиришлар банклар томонидан санкциявий таваккалчиликларни риск-бошқарув тизими доирасида комплекс ва тизимли баҳолашни таъминлашга қаратилган.

Банк ходимлари учун санкциявий комплаенс йўналиши бўйича ташкил

этилган “Комплаенс клуб” лойиҳаси давом эттирилиб, унинг доирасида банк амалиётида юзага келаётган долзарб санкциявий кейслар мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда, халқаро амалиётдан келиб чиқиб банклар ўртасида тажриба алмашилмоқда.

Шунингдек, Туркия ва БАА марказий банклари билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳаси (AML/CFT) ва санкциявий комплаенс бўйича қўшма семинар ўтказилди.

Комплаенс-назорат

2025 йилда Марказий банк марказий аппаратида мустақил Комплаенс-назорат хизмати ташкил этилди. Шунингдек, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарда белгиланган минимал мезонлар асосида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари шакллантирилди¹⁷.

Шунингдек, Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти асосида банкка юкланган 52 та функция бўйича коррупциявий хавф-хатарлар баҳолашдан ўтказилди¹⁸.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 январдаги “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида”ги 16-сонли Қарори

¹⁶ Халқаро комплаенс ассоциацияси

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли Қарори

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарори

Мониторинг, назорат ва профилактик тадбирлар

2023 йил 24 декабрда тасдиқланган ички аудит ва комплаенс-назорат режаси асосида Марказий банк тизимида коррупцияга қарши ҳужжатлар ижроси юзасидан мониторинг тадбирлари амалга оширилди.

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низомга мувофиқ 2025 йил учун барча ходимлардан йиллик декларациялар олинди.

Жумладан, 2 152 нафар бошқарув ходимидан декларация қабул қилиниб:

– “мавжуд” ҳолатлар бўйича бартараф этиш чоралари;

– “эҳтимолий” ҳолатлар бўйича бошқарув механизмлари белгиланди.

Бундан ташқари, Харид жараёнларида коррупциявий рискларни олдини олиш мақсадида жами 1 408 та (*марказий аппарат — 312 та, ҳудудий бош бошқармалар — 189 та, тасарруфдаги корхонларда — 907 та*) контрагент бўйича ўрганишлар ўтказилиб, тегишли ҳулосалар берилди.

Ишга қабул қилиш жараёнида жами 589 нафар номзод (*марказий аппарат — 170 нафар, ҳудудий бош бошқармалар — 57 нафар, тасарруфдаги корхонларда — 362 нафар*) текширилди. Ўрганишда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш фаолияти ва коррупциявий рисклар алоҳида баҳоланди.

Тарғибот ва коммуникация тадбирлари

2025 йилда Марказий банк тизими ходимлари учун коррупцияга қарши мавзуларда жами 206 та давра суҳбати (*Марказий аппаратда — 31 та, ҳудудий бош бошқармаларда — 119 та, тасарруфдаги корхоналарда — 56 та*), маъруза ва семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, ходимларини Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясининг базавий ва махсус курсларида ўқитилиши йўлга қўйилган бўлиб, жами 2 125 нафар ходим “Давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш”, “Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш” ва “Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш” бўйича махсус курсларида ўқитилди¹⁹.

2025 йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги рейтинг баҳолаш тизимида Марказий банк 95 балл билан юқори баҳоланди.

Ички аудит

2025 йилда Марказий банкнинг ички аудит ва хатарларни бошқариш тизимини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга асосан такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

2025 йилдан бошлаб Ички аудитнинг халқаро стандартлари (*GIAS*)

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сонли Қарори.

талабларига мувофиқ уч йиллик аудит цикли жорий этилди. Ушбу ёндашув Марказий банк фаолиятига доир барча муҳим хатарларни тўлиқ қамраб олиш ва уларни бошқариш самарадорлигини баҳолашни назарда тутди.

Мазкур аудит режасига мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб ички аудит тадбирлари хатарлар таҳлиliga асосланган услубий ёндашув асосида амалга оширилиб, Марказий банк фаолиятига доир хатарларнинг таъсирини камайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар самарадорлиги, уларнинг етарлилиги ҳамда ижроси ҳолати баҳоланиб, уларни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериб борилади.

Жумладан, тасдиқланган ички аудит режасига мувофиқ 2025 йил давомида белгиланган 15 та аудит объектларида ўтказилган ички аудит тадбирлари жараёнида жами 35 та хатарлар ва уларни бошқариш бўйича 115 та назорат механизмлари таҳлил қилинди. Шундан 19 та хатарлар бўйича назорат механизмлари амалда қўлланилиши етарли ва самарали деб баҳоланган бўлса, 16 та хатарлар бўйича уларни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳисобот даврида Марказий банкда хатарларни бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича ишларни самарали ва тизимли ташкил этиш мақсадида алоҳида Хатарларни бошқариш тизимини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

Шунингдек, Марказий банк бошқаруви томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари якунига етказилди.

Жами 177 та хатарларни ўз ичига олувчи Марказий банкнинг умумлашган Хатарлар реестри шакллантирилди, хатарларни олдини олиш ва таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда уларнинг ижроси устидан мониторинг йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Хатарларни бошқариш бўйича халқаро ишчи гуруҳ (*IORWG*)га аъзолик доирасида Марказий банкнинг хатарларни бошқариш хизмати ходимлари илғор амалиётлар билан танишди.

Ҳисобот йилининг октябрь ойида Халқаро валюта жамғармасининг ички аудит ва хатарларни бошқариш масалалари бўйича навбатдаги техник кўмак миссияси жалб қилинди. Бунда Марказий банкдаги ички аудит ва риск-менежмент амалиётлари таҳлил қилиниб, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Ушбу тавсиялар асосида Марказий банкда 2026–2028 йилларда хатарга асосланган ички аудит ва хатарларни бошқариш амалиётларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режалари тасдиқланди.

